

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

31-сон
(895)
2019 йил
5 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

536. «Қурол тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ–550-сон Қонуни

537. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 июлдаги ЎРҚ–551-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

538. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5587-сон Фармониغا ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПФ–5777-сон Фармони

539. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4405-сон қарори
540. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон қарори
541. «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4409-сон қарори
542. «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон қарори
543. «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон қарори

Бешинчи бўлим

544. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 12 июлдаги 91-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3174*)
545. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/12-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-16*)
546. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 22 июлдаги 85-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-3*)
547. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги

309-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1870-2*)

548. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги 310-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1681-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 27 июлдан 2 августгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****536 Қурол тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 18 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мулкни ҳимоя қилишга ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

газли қурол — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддаларни қўллаш йўли билан жонли нишонга вақтинчалик шикаст етказиш учун мўлжалланган қурол;

калта стволли қурол — стволининг узунлиги уч юз миллиметрдан ва умумий узунлиги олти юз миллиметрдан ошмайдиган қурол;

пневматик қурол — сиқилган, суюлтирилган ёки қотирилган газсимон модданинг қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келадиган аслаҳа билан нишонни масофадан туриб уриш учун мўлжалланган қурол;

сигнал берувчи қурол — тузилиши жиҳатидан фақат ёруғлик, тунли ёки товушли сигналлар бериш учун мўлжалланган қурол;

совуқ қурол — шикаст етказиладиган объект билан бевосита тўқна-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 июлда эълон қилинган.

шиш чоғида одамнинг жисмоний кучи ёрдамида нишонни уриш учун мўлжалланган қурол;

улоқтириш қуроли — нишонни аслаҳа билан масофадан туриб уриш учун мўлжалланган, одамнинг жисмоний кучи ёки механик қурилма ёрдамида йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келадиган қурол;

ўқ-дорилар — қуролнинг жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш учун мўлжалланган ҳамда таркибида портловчи, порохли, улоқтирувчи, пиротехник ёки уриб чиқарадиган моддалар ёхуд уларнинг бирикмаси мавжуд бўлган қурол-яроғ ашёлари ва улоқтириладиган аслаҳаси;

ўқотар қурол — порох ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келувчи аслаҳа билан нишонни масофадан туриб механик уриш учун мўлжалланган қурол;

ўқотар қуролнинг асосий қисмлари — ствол, затвор, ўқдон (барбан), рамка, ствол қутиси;

қурол — тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмайди;

қурол муомаласи — қуролни ва унинг ўқ-дориларини, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш, олиш, ҳисобга олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, уларни олиб қўйиш, йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш;

қурол эгаси — ушбу Қонун талабларига мувофиқ олинган қурол кимнинг эгалигида турган бўлса, ўша жисмоний ёки юридик шахс.

4-модда. Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласининг асосий принциплари

Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устуворлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг виждонан бажарилиши;

қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи масалаларига доир ахборотнинг ошкоралиги ҳамда ундан фойдалана олиш.

2-боб. Қуролнинг таснифи

5-модда. Қуролнинг турлари

Қурол мўлжалланилган мақсади ҳамда асосий параметрлари ва тавсиф-

ларига кўра фуқаровий қурол, хизмат қуроли ва жанговар қурол турларига бўлинади.

6-модда. Фуқаровий қурол

Ов ва спорт билан шуғулланиш учун, шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол фуқаровий қурол жумласига киради.

Фуқаровий қурол қуйидагиларга бўлинади:

1) ов қуроли:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол, шу жумладан сойли қисмининг узунлиги бир юз қирқ миллиметрдан ошмайдиган ўқотар қурол;

комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли) ўқотар қурол, шу жумладан алмаштириладиган ва жойлаштириладиган сойли стволли ўқотар қурол;

оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қурол;

тиғли совуқ қурол (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлар);

сигнал берувчи қурол;

2) спорт қуроли:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол;

тиғли совуқ қурол (рапиралар, шпагалар ва қиличлар);

улоқтириш қуроли (камонлар, арбалетлар ва найзалар);

оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори бўлган пневматик қурол;

сигнал берувчи қурол;

3) ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли:

газли қурол — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли қурилмалар ва бошқа қурилмалар;

электрошок қурилмалари, учкун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар.

Фуқаровий ўқотар қурол қаторасига ўқ узишни истисно этиши ва ўқдон (барабан) сифими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги керак.

7-модда. Хизмат қуроли

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиатни ва табиий ресурсларни, қимматбаҳо ва хавфли юklarни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг (бундан буён матнда махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар деб юритилади) ходимлари томонидан, шунингдек давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол хизмат қуроли жумласига киради.

Хизмат қуроли қаторасига ўқ узишни истисно этиши, ўқдон (барабан)

сигими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги, калибри силлиқ стволли қурол учун йигирма беш миллиметрдан ва оғиз қисмидаги қувват уч юз эллик жоулгача бўлган сойли калта стволли қурол учун тўққиз миллиметрдан ошмаслиги керак.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ва хизмат қуролини сақлаш, олиб юриш, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари мансабдор шахсларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Жанговар қурол

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмалари (бундан буён матнда махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар деб юритилади) қуроллантирилган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурол жанговар қурол жумласига киради.

Жанговар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш фақат махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар томонидан, шунингдек ушбу Қонун 12-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган, махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Жанговар қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомаласи тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

3-боб. Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи

9-модда. Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласига белгиланадиган чекловлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидагилар тақиқланади:

1) фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари сифатида қўйидагиларнинг муомаласи:

ўқдон (барабан) сигими ўн дона патрондан ортиқ, ствол узунлиги ствол қутиси билан беш юз миллиметрдан ва қуролнинг умумий узунлиги саккиз юз миллиметрдан кам бўлган узун стволли ўқотар қурол, шунингдек тузилиши ўқ отиш имкониятини йўқотмаган ҳолда уни саккиз юз миллиметрдан кам узунликкача буклаш, силжитиш ёки қисмларга ажратиш имконини берадиган қуролнинг;

бошқа ашёларнинг шаклини такрорловчи ўқотар қуролнинг;

сойли стволли ўқотар қуролнинг патронларига мослаб тайёрланган силлиқ стволли ўқотар қуролнинг;

стволсиз ўқотар қуролнинг (патрон гильзаси ствол сифатида фойдаланиладиган қуролнинг);

3D-принтерида полимер ва композит материаллардан чиқарилган ўқотар қуролнинг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нормаларга мувофиқ бўлмаган чиқиш параметрларига эга бўлган электрошок қурилмаларининг, учкун чиқаргичларнинг ва бошқа қурилмаларнинг;

қўлланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рухсат этилмаган, асабни фалажлайдиган, захарли ва бошқа кучли таъсир кўрсатувчи моддалар билан тўлдирилган газли қуролнинг;

шикастловчи таъсири радиоактив нурланиш, кимёвий ва биологик (бактериологик) омиллардан фойдаланишга асосланган қуролнинг;

шикастловчи таъсири электромагнит, нур, иссиқлик, инфратовуш ёки ультратовуш нурланишдан фойдаланишга асосланган қурол ва бошқа анжомларнинг;

тигининг ёки кескичининг (дамининг) узунлиги тўқсон миллиметрдан ортиқ бўлган, тугмаси ёки пишанги босилганда сопидан автоматик равишда чиқариладиган ва маҳкамланадиган ёхуд оғирлик кучи ёки тезкор ҳаракат ҳисобига сурилиб чиқадиган ҳамда автоматик равишда ўрнашадиган тигли совуқ қурол ва пичоқларнинг;

улоқтириладиган анжоми зирхтешар, ёндирувчи, ҳавода из қолдирувчи ёки портловчи таъсирга эга ўқ-дориларнинг, шунингдек газли тўппончалар ва револьверлар учун сочма ўқ-дорили патронларнинг;

қурол сифатида қўллаш учун махсус мослаштирилган зарб бериб-парчаловчи ва улоқтирувчи таъсирга эга ашёларнинг (гурзилар, кастетлар, сурикенлар, бумеранглар ва бошқа ашёларнинг), бундан спорт аслаҳаларидан фойдаланиш мустасно;

2) фуқаровий қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сифатида қўйидагиларнинг муомаласи:

оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик калта стволли қуролнинг, бундан унинг спорт объектларида сақланиши ва ундан фойдаланилиши мустасно;

чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролнинг (порохли ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракат олувчи ва одамни ўлдириш учун мўлжалланмаган, жароҳат етказувчи таъсир кучига эга бўлган патроннинг отиладиган анжоми билан масофадан туриб жонли нишонга механик шикаст етказиш учун мўлжалланган калта стволли ўқотар қуролнинг ва стволсиз ўқотар қуролнинг);

газли калта стволли қуролнинг;

ҳаракатга келтирувчи воситаларни, улоқтирувчи моддани ва шикаст етказувчи таъсир кучига эга бўлган отиладиган анжомни гильза ёрдамида яхлит ҳолда бирлаштирадиган силлиқ стволли ўқотар қуролдан ёки чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган ва одамни ўлдириш учун мўлжалланмаган, жароҳат етказувчи таъсир кучига эга бўлган патронларнинг;

кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган ҳаракатга келтирувчи воситаларни гильза ёрдамида яхлит ҳолда бирлаш-

тирадиган, газли қуролдан ёки чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган ва одамни ўлдириш учун мўлжалланмаган, газли таъсир кучига эга бўлган патронларнинг;

ҳаракатга келтирувчи воситаларни, нур-товушли таъсирга эга анжомларни гильза ёрдамида яхлит ҳолда бирлаштирадиган, ўқотар қуролдан, газли ёки сигнал берувчи қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган ва жонли нишонга ёки бошқа нишонга шикаст етказиш учун мўлжалланмаган нур-товушли таъсирга эга бўлган патронларнинг;

пўлат ўзакли аслаҳаси бўлган, жонли нишонга ёки бошқа нишонга шикаст етказиш учун мўлжалланган ўқотар қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган патронларнинг;

3) сойли стволли спорт ўқотар қуролини ёки оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик спорт қуролини, шунингдек тигли совуқ спорт қуролини ҳамда улоқтириш қуролини спорт объектларидан ташқарида сақлаш ва улардан фойдаланиш, бундан ҳайвонот дунёси объектларини ҳаракатсизлантириш ва эмлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ҳамда профилактика ишларини амалга ошириш учун камонлар ва арбалетлардан фойдаланиш мустасно;

4) фуқаровий ва хизмат қуролига товушсиз ўқ узиш мосламаларини ва тунда кўриш мўлжаллагичларини ўрнатиш, бундан ов қилиш учун мўлжаллагичлар мустасно;

5) қуролни ва унинг ўқ-дориларини жўнатиш;

6) ўзини ўзи химоя қилиш мақсадида фуқаровий қуролни (бундан ўзини ўзи химоя қилиш қуроли мустасно), совуқ қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган, спорт ва хўжалик-маиший мақсадлар учун мўлжалланган ашёларни олиб юриш;

7) митинглар, кўча юришлари, намоёнишлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилганда, кўнгилочар ва ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган, алкоғолли маҳсулотлар реализация қилинадиган жойларда, таълим, тиббиёт муассасаларида ҳамда қурол олиб юриш тақиқланган бошқа жамоат жойларида бўлган вақтда, шунингдек алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда фуқаровий қуролни олиб юриш;

8) жамоат жойларида, шу жумладан шаҳар, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда қуролни очик ҳолда (ғилофсиз) олиб юриш;

9) касбий ёки спорт фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган, спорт ва хўжалик-маиший мақсадлар учун мўлжалланган ашёларни (бейсбол биталарини (чиллакларини), софтбол ўйини учун биталарни (чиллакларни), пичоқларни, шу жумладан терини ажратиш оладиган (шилиб оладиган) пичоқларни ҳамда сопол, пластмасса ва бошқа нometалл материаллардан ясалган пичоқларни жамоат жойларида очик (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш;

10) фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик шахсларнинг

ихтисослаштирилган дўконларидан ташқарида фуқаровий ҳамда хизмат қуролини ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш;

11) фуқаровий қуролга қонуний асосда эгалик қилмайдиган шахсларга бундай қуролнинг патронларини реализация қилиш, бундан спорт ташкилотларида ўқотар қуролдан фойдаланиш билан боғлиқ спорт турлари билан шуғулланувчи ёки таълим муассасаларида ўқ отиш бўйича тайёргарликдан ўтаётган шахсларга патронлар бериш мустасно.

10-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар;

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар;

қурол ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

қуролни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар;

қуролни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

11-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

Ушбу Қонун 10-моддасининг учинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган субъектлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг (бундан бўён матнда Миллий гвардия органлари деб юритилади) амал қилиш муддати уч ойлик бўлган рухсатномалари асосида фуқаровий ва хизмат қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий ва хизмат қуролини олишга доир рухсатнома унда кўрсатилган қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказилгунига қадар уларни ташиш ва сақлаш ҳуқуқини беради.

Фуқаровий ва хизмат қуролини олишга доир рухсатнома қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқини бермайди.

Қуйидагиларни олиш Миллий гвардия органларининг рухсатномаларисиз амалга оширилади:

сигнал берувчи қуролни ва тигли совуқ ов қуролини — махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар ҳамда овчилик соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар томонидан олиш;

сигнал берувчи қуролни, тигли совуқ ов қуролини ҳамда тигли совуқ ва улоқтириш спорт қуролини — қуролни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар томонидан олиш;

тиғли совуқ ва улоқтириш спорт қуролини — отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар томонидан олиш;

тиғли совуқ ов қуролини, ўқотар ов қуrolининг ва оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ҳамда калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қуrolнинг ўқ-дориларини — Ўзбекистон Республикасининг ов қилиш ҳуқуқи берилган фуқаролари томонидан олиш;

оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан кам ва калибри 4,5 миллиметрга қадар бўлган пневматик ов қуролини ҳамда оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан кам бўлган пневматик спорт қуролини олиш.

Фуқаровий ва хизмат қуроли олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказилиши керак, бундан Миллий гвардия органларининг рухсатномасисиз олинadиган қуrol ва унинг ўқ-дорилари мустасно.

Қуrol Миллий гвардия органлари томонидан рўйхатдан ўтказилганда қуrolни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахснинг реализация қилинган қуrol белгилари (тури, хили, модели, завод серияси ва рақами, чиқарилган йили) кўрсатилган ҳолда қуrolни олишга доир рухсатнома асосида амал қилиш муддати уч йил бўлган рухсатномалар қуйидагиларга берилади:

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларга, овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларга — қуrolни сақлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига — қуrolни сақлаш ва олиб юриш учун;

қуrolни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ва фуқароларга — қуrolни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш учун.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олишга, сақлашга, сақлашга ва олиб юришга, коллекциялашга, кўргазмага қўйишга доир рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш мазкур рухсатномани олиш учун назарда тutilган тартибда амалга оширилади.

Тиғли совуқ ов қуролини ва сигнал берувчи қуrolни, ўқотар ов қуrolининг ҳамда оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қуrolнинг ўқ-дориларини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасида амалга оширилади. Овчилик гувоҳномасидаги рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги маълумотлар мазкур қуrolни олиш қонуний эканлигининг тасдиғи бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросига уни сақлаш, олиб юриш, ташиш ва ундan фойдаланиш ҳуқуқини беради.

12-модда. Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар томонидан қуrolни ва унинг ўқ-дориларини олиш

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар қуrolни олишга доир рухсатнома олиш учун Миллий гвардия органларига қуйидагиларни тақдим этади:

қуролни олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза уни олишдан кўзланган мақсад, олинадиган қурол ва унинг ўқ-дорилари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш учун махсус жиҳозланган бино (қуролхона) жойлашган ер кўрсатилган ҳолда;

қуролни ва унинг ўқ-дориларини етказиб беришга доир контракт (шартнома);

аризани кўриб чиққанлик учун йиғим киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини, ҳисобга олинишини ҳамда улардан фойдаланилишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган юридик шахс ходими тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки фармойиш тусидаги бошқа ҳужжат;

қуролга ва унинг ўқ-дориларига бўлган талаб миқдорининг ҳисоб-китоби, қурол ва унинг ўқ-дорилари билан таъминлаш нормалари ҳисобга олинган ҳолда.

Қуролнинг сарфланган, йўқотилган ёки йўқ қилиш учун топширилган ўқ-дорилари ўрнига ўқ-дорилар олиш учун ўқ-дорилар ҳисобдан чиқарилганлигининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ўқ-дориларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари, ўқув-машқ отишлари ва бошқа отишларни ўтказиш чоғида сарфланган ўқ-дориларга доир тарқатиш-топшириш қайдномалари, ўқ-дориларни йўқ қилиш учун қабул қилиб олиш (топшириш) далолатномалари) қўшимча равишда тақдим этилади.

Қуролни олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза Миллий гвардия органлари томонидан ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан ўттиз иш куни ичида кўриб чиқилади.

Қуролни олишга доир рухсатномани бериш қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг ишончли ҳисобга олиниши ва бут сақланишини таъминлаш имконияти йўқлиги ёки ушбу шароитлар лозим даражада таъминланмаганлиги;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

зиммасига қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини, берилиши-қабул қилиб олинишини, ҳисобга олиниши ҳамда улардан фойдаланилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган юридик шахс ходимининг ушбу Қонун 13-моддасининг тўққизинчи қисмида белгиланган талабларга номувофиқлиги.

Қуролни олишга доир рухсатномани бериш рад этилган тақдирда, Миллий гвардия органлари бу ҳақда аризачини рад этиш сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ходимлари учун мўлжалланган қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг турлари, хиллари, моделлари ҳамда сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар қурол, унинг ўқ-дорилари ишлаб чиқариладиган ва сақланадиган объектларни, жанговар техникани, экологик жиҳатдан ўта хавфли ишлаб чиқаришларни, радиоактив чиқиндилар қўмиладиган жойларни, пул маблағлари ҳамда қимматликлар тайёрланадиган ва сақланадиган, қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлар қазиб олинадиган, қайта ишланадиган ва сақланадиган жойларни, шунингдек хавфли юкларни, пул маблағларини ва қимматликларни, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар жумласига киритилган маълумотлар кўрсатилган хат-хабарлар ва юкларни қўриқлаш бўйича қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун жанговар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларининг айрим хиллари ва моделларини олиш ҳуқуқига эга. Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг жанговар қуролдан ва унинг ўқ-дориларидан бошқа мақсадларда фойдаланиши тақиқланади.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахснинг ходимига қурол ва унинг ўқ-дорилари мазкур ходим тасдиқланган дастурларга мувофиқ ҳар йилги хизмат-жанговар, ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-психологик ҳамда жисмоний тайёргарлик курсларидан ўтганидан сўнг ва ушбу Қонун 13-моддасининг тўққизинчи қисмида белгиланган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, юридик шахс раҳбарининг қарорига ҳамда Миллий гвардия органларининг қуролни олиб юришга доир рухсатномасига биноан берилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш

Йигирма бир ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фуқаровий ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фуқаровий спорт қуролини ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Ов қуроли ва унинг ўқ-дорилари ов қилиш ҳуқуқи берилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан олинishi мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси олган, унинг эгалигида турган сойли стволли ўқотар ов қуролининг умумий сони учтадан, силлиқ стволли ўқотар қуролнинг умумий сони бештадан ошмаслиги керак, бундан мазкур қурол турлари коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш объектлари бўлган ҳоллар мустасно.

Ов қилиш ҳуқуқи берилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овчиликка боғлиқ касбий фаолият билан шуғулланаётган ёки камида беш йил давомида мулкида силлиқ стволли ўқотар ов қуролига эга бўлган бўлса, ҳамда уларда ов қилиш қоидаларини ёки қурол муомаласини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлмаса, сойли стволли ўқотар ов қуро-

лини ва унинг ўқ-дориларини, шу жумладан аралаш ўқотар қуролни, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи бўйича Миллий гвардия органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

ариза;

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);

қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига оид билими текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса;

аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномаси (ов қуролини олиш учун);

овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномаси (сойли стволли ўқотар ов қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун);

отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномаси (спорт қуролини олиш учун).

Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза Миллий гвардия органлари томонидан ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойи бўйича прописка қилинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида тегишли Миллий гвардия органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқароларига фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома берилмайди:

ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган ёшга тўлмаганларга;

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганларга;

ушбу модданинг олтинчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатларни тақдим этмаганларга ёки тақдим этилган ҳужжатларида нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

қасдан жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаганларга ёки судланганлиги олиб ташланмаганларга;

жиноий жазони ўтаётганларга;

доимий яшаш жойига ёки қурол ва унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлайдиган сақлаш шароитларига эга бўлмаганларга;

ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилганларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодек-

сининг 185, 220, 221 ва 222-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилганларга;

жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларни содир этганлик ёки ов қоидаларини бузганлик, шунингдек баданга енгил шикаст етказганлик ва гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун бир йил давомида такроран маъмурий жавобгарликка тортилганларга;

қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар мавжуд бўлганда.

Қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ва жисмоний нуқсонлар рўйхати, шунингдек фуқароларнинг тиббий текширувдан ўтиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, Миллий гвардия органлари бу ҳақда аризачини рад этиш сабабларини, қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини ва аризачи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно) биринчи марта олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари овчилар жамоат бирлашмасида (ов қуроли учун) ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуроли учун) қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиши юзасидан текширувдан ўтиши шарт, ушбу бирлашма ва юридик шахслар қуролдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билиш юзасидан тегишли текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

14-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар томонидан қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш

Ушбу Қонун 10-моддасининг тўртинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилган юридик шахслар хизмат ва устав вазифаларини бажариш учун зарур бўлган тегишли қуролни ва унинг ўқ-дориларини мазкур Қонун 12-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

15-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини Ўзбекис-

тон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг рухсатномаларига кўра амалга оширилади.

Учинчи мамлакатларнинг қуроли кучларини таъминлаш учун мўлжалланган қуролни ва унинг ўқ-дориларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ҳамда уларга биноан қабул қилинган халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

16-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар бундай турдаги қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлиши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги талабларини, ишлаб чиқариш устидан назоратни, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ва бут сақланишини таъминлаши шарт.

Силлиқ стволли ов қуроли учун патронларнинг анжомлари силлиқ стволли ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатнома асосида шу қурол эгаси томонидан шахсий фойдаланиш учун ишлаб чиқарилиши мумкин. Ўқотар қуролни таъмирлаш ва унинг бутловчи қисмларини алмаштириш шу қуролнинг эгаси томонидан мустақил равишда амалга оширилиши мумкин, бундан ўқотар қуролнинг асосий қисмлари мустасно.

17-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар:

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлиши;

фуқаровий ва хизмат қуролнинг ҳамда унинг ўқ-дориларининг бут сақланишини, уларни сақлаш хавфсизлигини таъминлаши;

харидордан муайян қурол турини олишга доир рухсатномани кўрсатишини талаб қилиши;

олинаётган ва реализация қилинаётган фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари ҳисобга олинишини, шунингдек ҳисобга олиш ҳужжатлари ўн йил мобайнида сақланишини таъминлаши;

реализация қилинаётган ўзини ўзи химоя қилиш қуролини, тўғли совуқ ов қуролини ва сигнал берувчи қуролни, ўқотар ов қуролнинг ҳамда оғиз қисмидаги қувват 7,5 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик қуролнинг ўқ-дориларини рўйхатдан ўтказиши;

лицензиялаш битимига мувофиқ қуролни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш тўғрисидаги маълумотларни Миллий гвардия органларига тақдим этиши шарт.

Муайян қурол турини олишга доир рухсатномани тақдим этмаган жисмоний ва юридик шахсларга фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек рақами ва ишлаб чиқарувчининг тамғаси мавжуд бўлмаган қуролни реализация қилиш тақиқланади.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг битта савдо залида қуролни ва бошқа турдаги товарларни реализация қилиши тақиқланади, бундан спорт, ов ва балиқ овлаш ашёлари, қуролнинг эҳтиёт қисмлари ва пиротехника буюмлари мустасно.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фуқаровий қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини сотиш, мерос қилиб олиш ва ҳадя этиш

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз мулкидаги фуқаровий қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини Миллий гвардия органларининг фуқаровий қуролни реализация қилишга доир рухсатномалари асосида, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали сотиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини мерос қилиб олиш ҳамда ҳадя этиш меросхўрда ёки ҳадя берилаётган шахсда мазкур турдаги қуролни олишга доир рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда, қурол Миллий гвардия органларида қайта рўйхатдан ўтказилганидан сўнг амалга оширилади. Фуқаровий қуролни олишга доир рухсатномани олиш рад этилган тақдирда, меросхўр ёки ҳадя берилаётган шахс ушбу қуролни фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали сотиши ёки Миллий гвардия органларига текин топшириши ёхуд уни совға қилиши керак.

19-модда. Қурол билан мукофотлаш

Махсус органларнинг ва ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимлари уларнинг раҳбарлари буйруқлари асосида олган қурол, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, чет давлатлар раҳбарларининг ҳамда чет давлатлар ҳукуматлари раҳбарларининг мукофотлашга оид ҳужжатлари асосида олинган қурол мукофот қилинган қуролдир. Мукофот қилинган қуролни сақлашга ва олиб юришга доир рухсатнома Миллий гвардия органлари томонидан берилади.

Мукофот қилинган қуролни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатноманинг амал қилиш мuddати чекланмайди.

Қаторасига ўқ узиш имкониятини берадиган, шунингдек ушбу Қонуннинг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган қурол мукофот қилинадиган қурол бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси қаторасига ўқ узиш имкониятини берадиган, шунингдек ушбу Қонуннинг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган қурол билан мукофотланган тақдирда, ушбу қурол олинган кундан эътиборан бир кунлик муддатда Миллий гвардия органига топширилиши лозим.

Мукофотга берилган жанговар ёки хизмат қуролини сотишга, ҳада этишга ва мерос қилиб олишга, шунингдек унинг ўқ дориларини олишга йўл қўйилмайди.

20-модда. Юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш

Ушбу Қонун 10-моддасининг учинчи, тўртинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган юридик шахслар ўзида қонуний асосларда турган фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини Миллий гвардия органларининг қуролни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилишга доир рухсатномалари асосида, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали, ушбу қуролни ва унинг ўқ-дориларини кейинчалик Миллий гвардия органларида қайта рўйхатдан ўтказиш шарти билан реализация қилиш ҳуқуқига эга.

21-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Миллий гвардия органларининг қуролни сақлашга ёки сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномалари асосида фуқаровий ҳамда хизмат қуролини ва унинг ўқ-дориларини сақлаш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари уларнинг бут сақланишини, хавфсиз сақланишини таъминлайдиган ҳамда улардан бегона шахслар фойдаланишини истисно этадиган шароитларда, қулфланадиган сейфларда ёки металл шкафларда сақланиши керак.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш юридик шахслар томонидан алоҳида ажратилган, махсус жиҳозланган ва техник жиҳатдан мустаҳкамланган, қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси, қўриқлаш ва жисмоний ҳимоянинг бошқа техник воситалари билан жиҳозланган қуролхоналардаги қулфланадиган сейфларда ёки металл шкафларда амалга оширилади.

Спорт ўқотар қуролини ва унинг ўқ-дориларини, шу жумладан сойли стволли спорт қуролини ёки оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик спорт қуролини, шунингдек тўғли совуқ ва улоқтириш спорт қуролини сақлаш спорт объектлари ҳудудида жиҳозланган қуролхоналардаги қулфланадиган сейфларда ёки металл шкафларда амалга оширилади.

Фуқаровий қуrolни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан уларнинг доимий яшаш жойида амалга оширилади.

Ов ёки отиш спорти билан шуғулланишни амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фуқаровий қуrolни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш бегона шахсларнинг қуrolдан фойдаланишини истисно этадиган шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак.

Чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш даврида олинган фуқаровий қуrolни ва унинг ўқ-дориларини сақлашга фуқаровий қуrol ҳамда унинг ўқ-дорилари олингандан кейин беш кун мобайнида рухсат этилади.

Чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ов қилиш, спорт тадбирларида иштирок этиш ёки кўргазмага қўйиш мақсадларида олиб кирилган фуқаровий ва хизмат қуrolини ҳамда унинг ўқ-дориларини вақтинча сақлаш чет эл фуқароларига таклифномани расмийлаштирган юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзи топиб олган ёки ўзига топширилган, лекин ўзи мулкдори бўлмаган қуrolни ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаши ва улардан фойдаланиши тақиқланади. Бундай қуrol ҳамда унинг ўқ-дорилари дарҳол, бироқ бир суткадан кечиктирмай Миллий гвардия органларига топширилиши лозим.

Қуrolни ва унинг ўқ-дориларини ўз ихтиёри билан топширганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдирлаш чоралари белгиланиши мумкин.

Ўқотар қуrolни ва унинг ўқ-дориларини ихтиёрий тартибда топширган шахсларга уни олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқ берилади.

22-модда. Қуrolни ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш ҳамда кўргазмага қўйиш

Жисмоний ва юридик шахслар Миллий гвардия органларининг рухсатномалари асосида қуrolни ҳамда унинг ўқ-дориларини коллекциялаш ва кўргазмага қўйиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан илмий-техникавий, бадиий, криминалистик, тарихий, ахборот, билим орттириш мақсадларида ҳамда бошқа мақсадларда тўпламлар тузиш учун қуrolни ва унинг ўқ-дориларини йиғиш ҳамда сақлаш коллекция деб эътироф этилади.

Қуrolни ва унинг ўқ-дориларини музейбop тарзда коллекциялаш юридик шахслар томонидан ана шу мақсадлар учун мўлжалланган алоҳида, махсус биноларда амалга оширилади.

Қуrolни ва унинг ўқ-дориларини музей биноларида сақлаш уларнинг бут сақланишини, сақлаш хавфсизлигини таъминлайдиган ва уларга бегона шахслар киришини истисно этадиган шароитларда амалга оширилиши керак.

Қуrolни музей биноларидан ташқарида кўргазмага қўйишга фақат сигнализация билан жиҳозланган ёпиқ витриналар ва стендларда йўл қўйилади.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш жисмоний шахслар томонидан ўзининг доимий яшаш жойида, уларнинг бут сақланишини, сақлаш хавфсизлигини таъминлайдиган ва уларга бегона шахслар киришини истисно этадиган шартларга риоя этган ҳолда, қулфланадиган сейфларда ёки металл шкафларда амалга оширилади.

Қуролнинг ўқ-дорилари фақат ўқсизлантирилган ҳолда кўргазмага қўйилиши мумкин.

Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказилмаган қуролдан кўргазмага қўйиш учун фойдаланиш тақиқланади.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини кўргазмага қўйишга доир рухсатномага эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар кўргазмани ташкил этиш чоғида:

биноларни ижарага олиш, қуролни ва унинг ўқ-дориларини кўргазмага қўйиш тартиби, уларнинг бут сақланишини таъминлаш тўғрисида шартномалар тузиши;

чет эллик иштирокчилар учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг уларга тегишли қуролни ва унинг ўқ-дориларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга доир рухсатномасини, шунингдек уларни ташишга доир рухсатномасини олиши;

кўргазмага қўйиш режаларини ва экспозицияларни жойлаштириш схемаларини кўргазма ўтказиладиган жойдаги Миллий гвардия органларига келишиб олиш учун тақдим этиши;

кўргазмага қўйилган қурол ва унинг ўқ-дорилари жойлаштириладиган ҳамда сақланадиган жойларга бегона шахсларнинг рухсатсиз киришига йўл қўймаслиги;

қурол ва унинг ўқ-дорилари экспозициялари очиқ витриналар ва стендларда жойлаштирилган тақдирда, қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини ҳар куни кўргазма иши тугагач сақлаш учун улар бут сақланишини таъминлашга доир талабларга биноан жиҳозланган хоналарда сақлаш учун топшириши шарт.

23-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш муайян турдаги, хилдаги ва моделдаги қуролни олиб юриш, сақлаш ҳамда олиб юриш учун Миллий гвардия органлари томонидан берилган рухсатномалар асосида қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ходимлари томонидан — хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан — ов қилинадиган, спорт тадбирлари ёки отиш машқлари ўтказиладиган жойларда, ўқув мақсадида, ўзини ўзи химоя қилиш мақсадида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ўзларига тегишли фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дори-

ларини ов ёки спорт тадбирлари ўтказиладиган жойларда олиб юриши мумкин.

Узун стволли ўқотар қуролни олиб юриш ғилофидан олинган ҳолатда, ҳимоялагичга қўйилган ўқланган ўқдон (барабан) билан, калта стволли ўқотар қуролни олиб юриш эса худди шундай ҳолатда ғилофда амалга оширилади.

Патронни ўқдонга юборишга фақат қуролни қўллаш зарурати бўлганда ёхуд зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкни, шунингдек юридик шахсларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш учун рухсат этилади.

Яроқлилик, сақлаш ёки фойдаланиш муддати ўтган техник жиҳатдан носоз фуқаровий ва хизмат қуролидан ҳамда унинг ўқ-дориларидан, шу жумладан газли қуролдан фойдаланиш тақиқланади, бундан тадқиқот ишларини ва синовларни ўтказиш ёхуд қуролнинг ҳамда унинг ўқ-дориларининг техник ҳолатини текшириш ҳоллари мустасно.

Жисмоний шахслар ов вақтида ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиб юрганда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини, ов қилиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни, қуролни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномани ёнида олиб юриши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуролини сақлаш ҳамда олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар улардан хавфсиз фойдаланишга доир белгиланган қоидаларни бажариши шарт.

24-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш

Юридик шахслар ўзларига тегишли фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини Миллий гвардия органларининг фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш учун амал қилиш муддати уч ой бўлган рухсатномалари асосида ташиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш учун юридик шахслар:

ташиш учун тузилиши юкни бегона шахсларнинг қўриши ва унга кириши имкониятини истисно этадиган техник жиҳатдан соз транспорт воситаларини ажратиши;

қуролни ва унинг ўқ-дориларини завод ўровида ёхуд сўргичланган ёки пломбаланган махсус идишда ташиши;

ўн донадан кўп миқдордаги ўқотар қурол ёки унинг беш юз донадан ортиқ миқдордаги ўқ-дорилари туркуми олиб борилаётган йўлда Миллий гвардия органларининг ёки идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш органларининг қуролли қўриқчилари томонидан кузатиб борилишини таъминлаши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуроли ташиш чоғида ўқ-дорилардан алоҳида, ўқи чиқариб олинган ҳолатда бўлиши керак.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиётган

транспорт воситасининг очилганлиги, идишнинг шикастланганлиги, мухрларнинг излари ёки пломбалар бузилганлиги аломатлари аниқланган тақдирда, қуролли қўриқчилар бошлиғи бу ҳақда дарҳол Миллий гвардия органларига хабар қилиши, далолатнома тузиши, содир бўлган ҳолатнинг сабабларини аниқлаш юзасидан зарур чоралар қўриши ҳамда ходиса жойи қўриқланишини таъминлаши шарт.

Миллий гвардия органларининг фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташишга доир рухсатномаларисиз:

юридик шахслар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудуди доирасида, мазкур қуролларни ва унинг ўқ-дориларини Миллий гвардия органлари рўйхатга олган жойда;

жисмоний шахслар томонидан ов қуроли, силлиқ стволли спорт қуроли ва унинг ўқ-дориларини овда ҳамда спорт тадбирларида иштирок этиш учун Миллий гвардия органларининг мазкур турдаги қуролни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномалари асосида;

жисмоний шахслар томонидан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини Миллий гвардия органларининг мазкур турдаги қуролни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномалари асосида;

ушбу Қонун 11-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказилмайдиган фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташиш амалга оширилади.

Жисмоний шахсларга тегишли фуқаровий ва хизмат қуролини ташиш жилдларда, қинларда ёки махсус ғилофларда амалга оширилади.

25-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ҳисобга олиш

Юридик шахслар фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари ҳисобини юритиши, уларнинг бут сақланишини, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаши шарт.

26-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролининг қўлланилиши

Фуқаровий ва хизмат қуролини сақлаш ҳамда олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар зарурий мудофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида ўз ҳаёти ва соғлиғини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳамда мол-мулкни ҳимоя қилиш учун қуролни қўллаши мумкин. Фуқаровий ва хизмат қуроли қўлланилишидан аввал бу ҳақда ўзига қарши қурол қўлланилаётган шахс аниқ ифодаланган тарзда огоҳлантирилиши керак, бундан шундай огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд қуролнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва қурол эгасининг ҳаётига бевосита хавф туғдирадиган ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно. Бунда зарурий мудофаа ҳолатида қуролнинг қўлланилиши учинчи шахсларга зарар етказмаслиги керак.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан фуқаровий ва хизмат қуролини қўллаш

тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилиқ кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд қуролни қўллаётган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Фуқаровий ва хизмат қуроли қўлланилган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишига олиб келган ҳар бир ҳолат тўғрисида қурол эгаси қурол қўлланилган жойдаги ички ишлар органига дарҳол хабар қилиши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуроли қўлланилганлиги натижасида фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган тақдирда, мазкур қурол эгаси баданига шикаст етган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатиши, шунингдек уларга имкон қадар қисқа муддатда биринчи тиббий ёрдам берилиши чораларини кўриши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуроли қўлланилганлиги натижасида фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ҳамда мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органлари дарҳол прокуратурага хабар қилади.

Фуқаровий қуролни ов ва спорт билан шуғулланиш учун қўллаш, шунингдек хизмат қуролини қўллаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

27-модда. Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дори- рилари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш, коллекциялаш ва кўргазмага қўйиш;

фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дориларини ҳадя қилиш ҳамда мерос қилиб олиш;

фуқаровий ва хизмат қуролидан ҳамда унинг ўқ-дориларидан ўз мўлжалланган мақсади бўйича фойдаланиш;

тегишли рухсатнома бўлган тақдирда, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш ва олиб юриш.

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари эгалари:

ўз мулкидаги фуқаровий қуролни Миллий гвардия органларида рўйхатдан ўтказиши (қайта рўйхатдан ўтказиши), бундан ушбу Қонун 11-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар мустасно;

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартибига риоя этиши;

фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлаши;

қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилишини текшириш учун Миллий гвардия органлари ходимларининг фуқаровий ва хизмат қуроли сақланадиган объектлар ҳудудига ҳамда жойларга соат 6-00 дан 22-00 гача монеликсиз киришини таъминлаши, танишиб чиқиш учун уларга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

овчиларнинг жамоат бирлашмасида (ов қуроли учун) ва отиш спорти

соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуроли учун) қурол билан хавфсиз муомалада бўлиш қоидаларига оид билимларининг текширувидан ўтиши;

мерос қилиб олинган фуқаровий қуролни фуқаровий ва хизмат қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилишга доир лицензияга эга бўлган юридик шахслар орқали реализация қилиши ёки мазкур қуролни олиш учун рухсатнома олиш рад этилган тақдирда, уни Миллий гвардия органларига топшириши;

доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойида рўйхатга турган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида тегишли Миллий гвардия органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт.

28-модда. Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш Миллий гвардия органлари томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи қоидалари жисмоний ва юридик шахслар томонидан бузилганда;

қуролнинг мулкдори бўлган фуқаро вафот этганда мол-мулкни мерос қилиб олиш масаласи ҳал бўлгунига қадар, шунингдек қонуний асосларда жанговар ёки хизмат қуролига эга бўлган фуқаро вафот этганда;

қуролнинг мулкдори бўлган фуқаро бедарак йўқолган деб топилганда, шунингдек мол-мулкни мерос қилиб олиш тўғрисидаги масала ҳал бўлгунига қадар фуқаро вафот этган деб эълон қилинганда;

лицензиат ёки қурол муомаласига доир рухсатнома эгаси бўлган юридик шахс тугатилганда;

фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасидаги рухсатномалар тўхтатиб туриш учун асос бўлган масала ҳал этилгунга қадар тўхтатиб турилганда;

фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасидаги лицензиялар ҳамда рухсатномалар тугатилганда, бекор қилинганда;

аниқ ҳолатларга боғлиқ равишда фавқулодда ҳолат жорий этилганда.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш қуйидагилар томонидан ҳам амалга оширилади:

табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда, ов, балиқ овлаш, табиатни ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида, кейинчалик қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги Миллий гвардия органларига топширилган ҳолда;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолларда, божхона органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида, кейинчалик қурол ва унинг ўқ-дорилари ҳуқуқбузарлик содир этилган жойдаги Миллий гвардия органларига топширилган ҳолда;

бошқа органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида.

Олиб қўйилган, шунингдек мусодара қилинган қурол ва унинг ўқ-дорилари Миллий гвардия органларига топширилиши лозим. Бунда олиб қўйилган, жиноят ишлари бўйича ашёвий далил деб топилган қурол ва унинг ўқ-дорилари жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

Олиб қўйилган, техник жиҳатдан фойдаланишга яроқли бўлган қурол ва унинг ўқ-дорилари қуролни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар орқали реализация қилиниши лозим.

Олиб қўйилган, техник жиҳатдан фойдаланиш учун яроқсиз бўлган, шунингдек ясама, қайтадан ясалган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомаласи тақиқланган қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари Миллий гвардия органлари томонидан йўқ қилиб ташланади ёки махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар коллекциясига топширилади.

Техник жиҳатдан носоз ёхуд яроқлилиқ, сақлаш ёки фойдаланиш муддати ўтган олиб қўйилган газли қурол Миллий гвардия органларига йўқ қилиб ташлаш учун текин топширилади.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ҳақида баённома (далолатнома) тузилиб, унда олиб қўйилаётган қуролнинг тури, хили, модели, калибри, серияси ва рақами, шунингдек ўқ-дориларнинг тури ҳамда миқдори кўрсатилади ёхуд бу ҳақда тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

4-боб. Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласининг ўзига хос хусусиятлари

29-модда. Фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан олиш

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тартибда фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ўзлари фуқароси бўлган чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг илтимосномалари асосида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан берилган қурол олишга доир рухсатномалар бўйича Ўзбекистон Республикасида фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга. Олинган фуқаролик қуроли ва унинг ўқ-дорилари улар олинган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиши лозим.

30-модда. Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақлаш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг бинолари ҳамда ходимлари хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақлаш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига фуқаровий қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Мазкур қуролни ва унинг ўқ-дориларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

31-модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сақлаш, олиб юриш ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд бўлган юридик шахснинг таклифномаси, ушбу юридик шахс билан ов қилиш учун тузилган шартнома ёки спорт тадбирларида иштирок этиш учун таклифнома мавжуд бўлган ҳамда фуқаровий қурол муомаласига ушбу Қонунда назарда тутилган чекловларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан бериладиган тегишли рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ов ва спорт қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб кириши мумкин. Олиб кирилган ов ва спорт қуроли ҳамда унинг ишлатилмаган ўқ-дорилари шартномада ёки таклифномада белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида турган даврда фуқаровий қуроли ва унинг ўқ-дориларини Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан қурол олиш учун берилган рухсатномаларга кўра сақлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тартибда фуқаровий қуроли ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини олиб кириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан фуқаровий қуроли ва унинг ўқ-дориларини олиб чиқиш муддатларининг, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда улардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш тартибининг бузилиши уларнинг олиб қўйилишига сабаб бўлади.

**5-боб. Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг
ўқ-дорилари муомаласи соҳасида лицензиялар ва
рухсатномалар бериш**

**32-модда. Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дори-
лари муомаласининг лицензиялаш-рухсат бериш
тизими**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан бериладиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга доир рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда Миллий гвардия органлари томонидан берилади.

**33-модда. Фуқаровий ва хизмат қуроли муомаласи соҳасида
рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқил-
ганлиги, унинг амал қилиш муддати узайтирилган-
лиги учун йиғим**

Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга, шунингдек Ўзбекистон Респуб-

ликаси худуди орқали транзит қилишга доир рухсатнома (бундан буён матнда рухсатнома деб юритилади) бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва рухсатноманинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун йиғим ундирилади.

Рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун йиғим суммалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳисобварағига ўтказилади.

34-модда. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Рухсатноманинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

рухсат беришга доир талаблар ва шартлар рухсатноманинг эгаси томонидан бузилганлиги аниқланганда;

рухсатнома эгаси зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи суд қарори ёки Миллий гвардия органининг кўрсатмаси бажарилмаганда.

Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади, рухсатноманинг амал қилиши қўрол ва унинг ўқ-дорилари йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилган тақдирда эса Миллий гвардия органи томонидан ҳам амалга оширилади.

Миллий гвардия органининг рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори унинг эгасига қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон (мавжуд бўлган тақдирда) шаклда етказилади.

Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суднинг қарори унинг эгасига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Миллий гвардия органи ёки суд рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларнинг рухсатнома эгаси томонидан бартараф қилиниши муддатини белгилаши шарт. Бунда рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш учун белгиланган муддат беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати унинг умумий амал қилиш муддатига кирмайди.

Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар рухсатнома эгаси томонидан бартараф этилган тақдирда, Миллий гвардия органи ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги ҳақида тасдиқнома олинган кундан эътиборан беш иш кун ичида рухсатноманинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиниши шарт.

Миллий гвардия органининг рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, Миллий гвардия органи рухсатнома эгаси олдида у қўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

35-модда. Рухсатноманинг амал қилишини тугатиш

Рухсатноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

рухсатнома эгаси унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юридик шахс бўлган рухсатнома эгаси тугатилганда — тугатилган пайдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши мустасно, шунингдек қўшилиш натижасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсларда янгидан пайдо бўлган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айна ўша ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажариш ва (ёки) амалга оширишга доир рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат мавжуд бўлганда;

овчилик гувоҳномасининг амал қилиши тугатилганда (ов қуролига доир рухсатномаларга нисбатан);

жисмоний шахс бўлган рухсатнома эгаси вафот этганда, унинг муомала лаёқати чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

ушбу Қонун 13-моддаси тўққизинчи қисмининг учинчи — ўн биринчи хатбошиларида назарда тутилган, рухсатнома олиш имкониятини истисно этадиган ҳолатлар юзага келганда;

рухсатнома эгаси рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказилишига олиб келган бўлса;

рухсатнома эгаси рухсатноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни Миллий гвардия органи ёки суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

Миллий гвардия органининг рухсатнома бериш тўғрисидаги қарори қонунга ҳилоф эканлиги аниқланганда;

рухсатноманинг амал қилиш муддати ўтганда;

бажарилиши учун рухсатнома берилган бир марталик ҳаракат бажарилганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар юзага келиши билан рухсатноманинг амал қилиши тугатилган ҳисобланади.

Рухсатноманинг амал қилиши ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда Миллий гвардия органи томонидан, шунингдек ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда эса суд томонидан тугатилади.

Рухсатноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги суднинг қарори рухсатноманинг эгасига ва Миллий гвардия органига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Миллий гвардия органининг рухсатноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори рухсатнома эгасига қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай ёзма ёки электрон (мавжуд бўлган

тақдирда) шаклда етказилади. Рухсатноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор рухсатнома эгаси томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида рухсатнома Миллий гвардия органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Рухсатноманинг амал қилиши унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Миллий гвардия органининг рухсатноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рухсатноманинг амал қилишини тугатиш суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, Миллий гвардия органи рухсатнома эгаси олдида у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

36-модда. Рухсатномани бекор қилиш

Рухсатнома:

эгасининг уни бекор қилиш тўғрисидаги аризаси;

сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги асосида бекор қилинади.

Рухсатнома ушбу модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолда Миллий гвардия органи томонидан, ушбу модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолда суд томонидан бекор қилинади.

Рухсатнома эгаси томонидан суднинг уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори олинган кундан кейин ўн кун ичида рухсатнома Миллий гвардия органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Суднинг рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги қарори берилган санадан эътиборан амал қилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

37-модда. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган буюмларни сертификатлаштириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролнинг мазкур турларига ўхшаш бўлган буюмлар сертификатлаштирилиши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуролига ҳамда унинг ўқ-дориларига доир техник талаблар, ушбу қурол ва ўқ-дориларни тамғалаш, ўраш-жойлаш қоидалари ва уларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун синов усуллари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

38-модда. Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари давлат кадастри

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари давлат кадастри (бундан буён матнда Қурол кадастри деб юритилади) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан юри-

тилади ва нашр этилади ҳамда у фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотларни ўз ичига оладиган расмий тўпламдир.

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари тўғрисидаги маълумотлар сертификатлаштиришнинг ижобий натижалари асосида Қурол кадастрига киритилади.

Қурол кадастрига тўғри совуқ қурол ва улоқтириш қуроли тўғрисидаги, ягона нусхалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиладиган фуқаровий ва хизмат ўқотар қуроли ҳақидаги маълумотлар киритилмайди.

39-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ўқ-гильзотекасини ташкил этиш

Ходиса содир бўлган жойдан олинган, шунингдек сойли стволли фуқаровий ва хизмат ўқотар қуролидан назорат тартибида отилган, қурол излари тушган ўқлар, гильза ва патронлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат ўқ-гильзотекасини шакллантириш учун юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат ўқ-гильзотекаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан юритилади.

40-модда. Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласи устидан давлат назорати

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласи устидан давлат назорати Миллий гвардия органлари томонидан амалга оширилади.

Миллий гвардия органлари ўз ваколатлари доирасида:

фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида лицензиялар ва рухсатномалар бериш;

лицензиялар ва рухсатномалар талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини текшириш;

лицензиялар ва рухсатномаларнинг талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини текширишлар чоғида юзага келадиган масалалар бўйича зарур ахборотни сўраб олиш;

қурол ва унинг ўқ-дорилари ишлаб чиқариладиган, таъмирланадиган, реализация қилинадиган, сақланадиган ҳамда йўқ қилинадиган жойларда уларни кўздан кечириш;

текширишлар натижалари асосида лицензиялар ва рухсатномалар талаблари ҳамда шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

лицензиялар ва рухсатномалар эгалари зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиялар ва рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари муомаласи ус-

тидан давлат назорати бошқа органлар томонидан ҳам ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши мумкин.

41-модда. Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида халқаро ҳамкорлик

Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасида, шу жумладан уларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ҳамда уларни фош этишда чет давлатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

42-модда. Низоларни ҳал этиш

Қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

43-модда. Қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Қурол тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

44-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

45-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

46-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 июль,
ЎРҚ-550-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

537 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 19 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда, № 10, 670, 677-моддалар) **1-иловасининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Мажбурий ижро бюроси деб юритилади) органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилади, уларнинг ваколатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

2) 5-модданинг 11-бандидаги, 7-модда биринчи қисмининг 10-бандидаги, 11-модданинг биринчи қисмидаги, 12-модданинг матнидаги, 14-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 17-модданинг иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги, 18-модданинг биринчи қисмидаги, 19-модданинг иккинчи қисмидаги, 20-модданинг биринчи ва учинчи қисмларидаги, 21-модданинг номидаги ва матнидаги, 22-модданинг матнидаги, 22¹-модданинг биринчи, иккинчи, еттинчи ва ўнинчи қисмларидаги, 23-модданинг биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи қисмларидаги, 24-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги, 25-модданинг матнидаги, 25¹-модданинг тўртинчи қисмидаги, 26-модданинг матнидаги, 29-модданинг биринчи қисмидаги, 30-модданинг биринчи қисмидаги ва учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 31-модданинг матнидаги, 32-модданинг биринчи қисмидаги, 32¹-модданинг матнидаги, 33-модданинг матнидаги, 34-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, 35-модданинг матнидаги, 36-модданинг учинчи қисмидаги, 37-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, 38-модданинг номидаги ва матнидаги, 39, 40, 41 ва 42-моддаларнинг матнларидаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги, 44, 45, 47, 48, 48¹ ва 48⁵-моддаларнинг матнларидаги, 48⁶-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 49-модданинг матнидаги, 51-модданинг биринчи қисмидаги, 52-модданинг иккинчи қисмидаги, 53, 53¹ ва 54-моддаларнинг матнларидаги, 55-модданинг биринчи ва учинчи қисмларидаги, 57-модданинг биринчи ва учинчи қисмларидаги, 58-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 61-модданинг биринчи қисмидаги, 62-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 64, 71, 73, ва 73¹-моддаларнинг матнларидаги, 73²-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларидаги, 74-модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги, 75-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, 76-модданинг биринчи қисмидаги, 77-модданинг матнидаги, 77¹-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 78-модданинг биринчи қисмидаги, 12-бобнинг номидаги, 83¹-модданинг номидаги ва матнидаги, 84-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги, иккинчи қисмидаги, 85 — 89-моддаларнинг номларидаги ва матнларидаги, 90-модданинг номидаги, биринчи ва учинчи қисмларидаги тегишли сон ва келишиқдаги «суд ижрочиси» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 14-модда учинчи қисмининг еттинчи хатбошиси қуйидаги тахирда баён этилсин:

«келишув битими ёки медиатив келишув тузиш»;

4) 20-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Мутахассиснинг ёзма хулосаси у давлат ижрочисининг қарори билан та-нишган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида тақдим этилиши керак»;

5) **21-модда иккинчи қисми 4-бандининг еттинчи хатбошисидаги ва 7-бандининг учинчи хатбошисидаги, 22-модданинг бешинчи қисмидаги, 25-модданинг еттинчи қисмидаги, 25¹-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 30-модда учинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги, 47-модданинг тўртинчи қисмидаги, 48¹-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги, 48⁵-модда тўққизинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги, 48⁶-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 73-модданинг еттинчи қисмидаги, 89²-модданинг биринчи қисмидаги, 90-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «Суд департаменти» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «Мажбурий ижро бюроси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **21-модда иккинчи қисмининг 3-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **22¹-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ижро ҳужжатида ундирувчининг ёки қарздорнинг электрон почта манзили ёки мобиль телефонининг рақами мавжуд бўлган тақдирда (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга (мансабдор шахсга) тақдим этилган бўлса), ижро ишини юритишни қўзғатиш тўғрисидаги билдиришнома унинг жўнатишганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёхуд мобиль телефонга қисқа хабар (SMS) тарзида юборилади»;

тўртинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахсга йўлланган чакирув қоғози, бошқа хабарнома (бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно), қоида тариқасида, Мажбурий ижро бюросининг бўлинмасига қайтарилиши лозим бўлган топширганлик тўғрисидаги ёзма билдиришномага жисмоний шахснинг имзоси қўйдирилган ҳолда унга шахсан топширилади. Юридик шахсга юборилган чакирув қоғози, бошқа хабарнома (бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно) юридик шахснинг ходимига топширилади, у топширганликни тасдиқловчи ёзма билдиришномага чакирув қоғозини, бошқа хабарномани олганлиги ҳақида фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди»;

ўн биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги» деган сўзлар «Мажбурий ижро бюроси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **23-модданинг иккинчи қисмидаги** «кундан эътиборан уч кун-

дан кечиктирмай» деган сўзлар «пайтдан эътиборан бир иш куни ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **33-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда давлат ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг ари-засига кўра ёки ўз ташаббусига кўра ўн кундан кўп бўлмаган муддатга кўпи билан икки марта кечиктириши мумкин»;

10) **34-модда иккинчи қисмининг 3-банди** қуйидаги мазмундаги **3** ва **4-бандлар** билан алмаштирилсин:

«3) ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжатини ёки бошқа орган ҳужжатини ижро этишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи қонунда берилган мансабдор шахс томонидан қарор чиқарилганда;

4) ундирувчи медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда, агар ижро иши аввал медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муносабати билан тўхтатиб турилмаган бўлса»;

11) **36-модда:**

биринчи қисмининг 5-банди қуйидаги мазмундаги **5** ва **6-бандлар** билан алмаштирилсин:

«5) давлат ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда — шикоят кўриб чиқилгунига қадар;

6) медиация тартиб-таомили амалга оширилганда — ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ундирувчи ва қарздор ўртасида ижро предмети юзасидан келишувга эришилмаганда, шунингдек тарафлардан бири медиацияни давом эттиришдан воз кечганда ёки уни амалга ошириш муддати тугаганда ижро ишини юритиш давлат ижрочиси томонидан қайта тикланади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) **37-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **2¹-банд** билан тўлдирилсин:

«2¹) ундирувчи ва қарздор ўртасида медиатив келишув тузилганда»;

13) **39-модданинг биринчи қисмидаги «ёзма шаклда»** деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **41-модданинг тўртинчи қисмидаги «ёзма шаклда»** деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **42¹-модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларидаги «ёзма шаклда»** деган сўзлар «ёзма ёки электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **54-модданинг ўнинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ижрочилари томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишда хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади»;

17) **64-модданинг олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республика-**

си Адлия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **83-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«83-модда. Давлат ижрочиси

Ўрта махсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, алоҳида ҳолларда эса, бошқа мутахассисликдаги олий маълумотга эга бўлган шахслар давлат ижрочиси бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси катта давлат ижрочиси бўлиши мумкин.

Қуйидагиларни:

Мажбурий ижро бюросининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари (бундан бош инспекторлар мустасно) ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Мажбурий ижро бюроси директорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилади;

Мажбурий ижро бюросининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан келишилган ҳолда Мажбурий ижро бюроси директори томонидан амалга оширилади;

Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг бошқа ходимларини, ҳудудий бошқармаларининг таркибий бўлинмалари, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Мажбурий ижро бюроси директори томонидан амалга оширилади;

Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Мажбурий ижро бюроси директори билан келишилган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

Мажбурий ижро бюроси ҳудудий бўлинмаларининг бошқа ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ижрочиси ҳокимият вакилидир ва у хизмат мажбуриятларини бажараётганида қонун ҳужжатларида прокуратура органлари учун назарда тутилган формали кийим-бош кияди.

Давлат ижрочиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда прокуратура органлари ходимларининг мансаб даражалари берилади.

Мажбурий ижро бюросининг директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси, Мажбурий ижро бюроси ҳудудий бошқармаларининг бошлиқлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочиларидир.

Мажбурий ижро бюросининг суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларининг суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлимлари бошлиқлари лавозимига кўра тегишинча бош давлат ижрочиларининг

ўринбосарларидир. Мажбурий ижро бюросининг суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларнинг суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлимлари ходимлари давлат ижрочилари мақомига эга бўлади»;

19) **89¹-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89¹-модда. Мажбурий ижро бюросининг фаолиятини ташкил этиш

Мажбурий ижро бюроси органларининг фаолиятини ташкил этиш, ушбу органларнинг вазифалари ва функциялари, шунингдек Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Мажбурий ижро бюроси органлари ижро ишларини юритиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва сақлашни қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ таъминлайди. Ижро ишларини юритишдаги ижро ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйишга фақат суд қарори асосида ёки Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Ижро ишларини юритиш, шу жумладан уларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

Мажбурий ижро бюроси Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан қўзғатилган ижро ишлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган «**Медиация тўғрисида**»ги ЎРҚ-482-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 427-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади.

Медиация суддан ташқари тартибда, низони суд тартибда қўриш жараёнида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Медиация низони ҳакамлик судида қўриш жараёнида ҳам ҳакамлик судининг қарори қабул қилингунига қадар қўлланилиши мумкин.

Медиация суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида қўлланилган тақдирда фаолиятини профессионал асосда амалга оширувчи медиаторнинг албатта иштирок этиши талаб этилади.

Медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас»;

2) **17-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёни-

да медиация тартиб-таомили амалга оширилган тақдирда, уни амалга ошириш даврида ижро ишини юритиш тўхтатиб турилади»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирдаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув ижро ҳужжати ўз иш юритувида бўлган давлат ижрочисига дарҳол юборилади.

Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно»;

3) 23-модда:

матни «Ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддати кўпи билан ўн беш кунни ташкил этади»;

4) 29-модданинг биринчи қисми «келиб чиққан низо» деган сўзлардан кейин «ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси «Қурол тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 2-моддаси 7-бандининг иккинчи — олтинчи хатбошилари 2019 йил 1 октябрдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль,
ЎРҚ-551-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

538 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5587-сон Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятини янада ошириш, ипакчилик тармоғидаги экспорт қилувчи ташкилотларга қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги ПФ-5587-сон «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига илованинг позицияси «ТИФ ТН коди» устунидаги «5001 — 5003» рақамлари «5001, 5003 (ипак момиғидан ташқари)»сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 июль,
ПФ-5777-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

539 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2019 йил 30 май куни Урганч шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Москва шаҳридаги Бутунроссия кўргазма маркази ҳудудидаги 66-павильонда «Ўзбекистон Республикаси кўргазма маданий маркази» экспозицион марказини ташкил этиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ва уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдиришномани Россия томонига юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 июль,
ПҚ-4405-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**540 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта иш-
лаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Республиканинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислохотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишида консалтинг, маркетинг хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат тизимини ташкил қилиш, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва аграр соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК томонидан Ўзбекистон Республикасида 2019 — 2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини қайта ишлаш ва экспорт қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

хорижий кредит линиялари ҳисобидан йирик агрологистика комплексларини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ;

замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 3-иловага** мувофиқ;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 4-иловага** мувофиқ;

импорт ўрнини босувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 5-иловага** мувофиқ;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардаги самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этишнинг мақсадли параметрлари 6-иловага** мувофиқ;

республика ҳамда ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳузуридаги синов лабораторияларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага** мувофиқ;

қабул қилинадиган озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 8-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

** 1 — 8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича «Йўл харитаси» (бундан буён — «Йўл харитаси») 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва «Асака» АТБ ҳамда бошқа тижорат банклари билан биргаликда жалб этилаётган қуйидаги манбалар ҳисобидан:

а) мазкур қарорнинг 2 — 5-иловаларига мувофиқ амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ва чора-тадбирларга тегишлилиги бўйича:

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма инвестиция компанияси маблағлари;

Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва рақобатбардошликни ошириш учун 200,0 млн АҚШ доллари ҳамда қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш учун 200,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

Осиё тараққиёт банкининг йирик замонавий агрологистика комплексларини ташкил этиш учун 347,0 млн АҚШ доллари ва чорвачиликни ривожлантириш учун 150,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 200,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

Франция ривожланиш агентлигининг чорвачиликни ривожлантириш учун 170,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш учун 46,6 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари;

б) мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган синов лабораторияларини модернизация қилишга Жаҳон банкининг 6,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларининг йўналтирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки иштирокида «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилсин:

лойиҳанинг умумий қиймати 244,75 млн АҚШ доллари, шу жумладан Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари 197,0 млн АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикасининг улуши солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш ва бошқа сарф-харажатларни инвестиция даврида молиялаштириш эвазига жами 47,75 млн АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигини лойиҳанинг буюртмачиси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини эса унинг ижро этувчи органи этиб белгилаш;

* 9-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Осиё тараққиёт банки билан имзоланган қарз битими ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланишига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини бериш ҳамда лойиҳанинг амалга оширилишини тезлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасида имзоланадиган молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими юзасидан белгиланган тартибда юридик ҳулоса берсин.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи (бундан буён — Ишчи гуруҳ) 10-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин ва унга мазкур қарорнинг 2 — 9-иловаларида назарда тутилган инвестиция лойиҳалари ва тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш, лойиҳа ташаббускорлари билан бирма-бир учрашиб, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш ҳамда уларнинг муддатида ва сифатли амалга оширилишини мониторинг қилиш вазифаси юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур қарор иловаларига мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун зарур ер майдонлари ва бўш бинолар ажратилишини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш масалаларини ҳал этсин.

Ишчи гуруҳи (Б. Ходжаев) мазкур қарор ижросининг бориши юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари секторида юқори қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш мақсадида экинларни жойлаштириш ва қайта ишлашнинг самарали инфратузилмасини яратиш;

маҳсулотларни йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ички ва ташқи бозорга етказиб бериш борасида хизмат кўрсатувчи замонавий агрологистика комплекслари ва марказлари тизимини шакллантириш;

агрологистика комплекслари ва марказларини жойлаштириш, қуриш, уларни бошқариш бўйича компанияларни ташкил этиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда агрологистика комплекслари ва марказларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораториялар, божхона терминаллари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш;

кооперация иштирокчилари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини яратилаётган агрологистика комплекслари ва марказлари фаолиятига кенг жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

* 10-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1-иловага мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришиш учун амалга оширилаётган ишларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг муддатида ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

в) «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК:

мазкур қарорнинг 5-иловасида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чоралар кўради;

импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ишларни тизимли ташкил этади.

7. 2019 йил 1 августдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчиларнинг маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича харажатлари «Ўзстандарт» агентлигининг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

миллий валютада, қиймати 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида — қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган қисмига, бироқ 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;

хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация берилади;

кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади;

в) мазкур қарорнинг 6-иловасига мувофиқ самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ–4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 7-бандининг «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари татбиқ этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси:

Самарқанд, Андижон, Тошкент, Фарғона, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар

мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ҳудудларда барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари учун ер майдонларини ажратиш, агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ва транспорт инфратузилмаларига уланишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Бухоро ва Хоразм вилоятларида йирик агрологистика комплексларини барпо этиш учун халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб этиш чораларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кооперация бирлашувини жорий қилиш бўйича Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Кува туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида ўтказилган тажриба-синовларнинг ижобий натижаларига кўра мазкур тажрибани республиканинг бошқа ҳудудларида оммалаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш (сотиш бўйича хизмат кўрсатиш), таъминот, боғдорчилик, томорқа, чорвачилик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатувчилар томонидан аъзолик бадаллари (пайларни) киритиш асосида ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари субъектлари сонини ошириш, уларга кенг имконият ва қўшимча қулайликлар яратиш мазкур соҳадаги устувор йўналишлар деб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар ва уюшмалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида аҳоли, томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги кооперация бирлашмаларини ташкил қилиш, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритишни кенг жорий қилиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2019 йил 1 октябрга қадар боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манбаларини кўзда тутган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва уларнинг аъзолари-

га давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг таъсирчанлигини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

2019 йил 1 сентябрга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро бозорларда «ўзбек сифати» белгисини янада мустаҳкамлаш ва унга эътиборни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланган ҳолда қуриладиган агрологистика комплекслари ва марказларида замонавий сақлаш жойлари, шу жумладан тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мақбул ва узоқ сақлашга мўлжалланган музлатиш омборлари ва термо-режим омборлари, транспорт парки, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ калибрлаш, қадоқлаш ва маркировкалаш учун ускуналарнинг мавжудлиги, маҳсулот ва уни етиштириш агротехнологик жараёнларининг сифат кўрсаткичлари мувофиқлигини текшириш учун лаборатория мавжудлигига эътибор қаратсин.

12. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

мазкур қарорнинг 8-иловасида назарда тутилган ҳужжатларни асли ёзилган тилларда қабул қилиш;

халқаро стандартларни давлат тилига таржима қилиш орқали давлат фондига киритиш ишларини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва 2019 — 2021 йилларда тенг улушларда 4,5 млрд сўм маблағ ажратиш;

2019 — 2021 йилларда ҳудудларда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораторияларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

2019 йил 1 ноябрга қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Наманган ва Бухоро вилоятлари ҳудудий инспекцияларини бино билан таъминлаш ва замонавий халқаро лаборатория талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозлаш;

марказий карантин лабораторияси ҳамда Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий инспекцияларининг замонавий лаборатория биноларини қуриш ишларини 2020 йил 1 апрелга қадар якунлаш;

2020 йил 1 сентябрга қадар марказий карантин лабораториясини халқаро аккредитациядан ўтказиш;

2020 йил 1 ноябрга қадар марказий ва ҳудудий карантин инспекция-

ларини қўшимча 5 та сайёр (мобиль) лабораториялар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПҚ–3818-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жихатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-иловадан «8418 69 000 9» ва «8415 81 001 0» позициялар чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда 2019 йил 1 октябрга қадар «agroonline.uz» ахборот тизими негизиди:

аҳоли хонадонлари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари далаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ва ҳажмлари бўйича электрон маълумотлар базасини;

тайёрлов корхоналари, сақловчи, қайта ишловчи, экспорт қилувчи ташкилотлар ва бошқа харидорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳсулот турлари ва ҳажмлари бўйича ягона электрон ахборот тизимини;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва улгуржи харидорлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатларни (контрактация) электрон тижорат шаклида ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиб, жорий этилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 июль,
ПҚ–4406-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**541 Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида
«Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойи-
ҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида***

Шаҳар инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш ва комплекс такомиллаштириш, ўрта шаҳарлар аҳолиси учун сервис хизматларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига замонавий техник, молиявий ва бошқарув воситаларини жорий этиш орқали уларнинг салоҳиятини кучайтириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

2018 йил 18 декабрда Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши томонидан «Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» дастлабки лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (кейинги ўринларда — ХТТБ) 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағларини Ўзбекистон Республикасига тақдим этиш маъқулланган;

лойиҳа доирасидаги тажриба-синов шаҳарлари сифатида Янгийўл (Тошкент вилояти), Когон (Бухоро вилояти) ва Чортоқ (Наманган вилояти) белгиланган.

2. Қуйидагилар лойиҳани молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

ХТТБнинг 5 йиллик имтиёзли даврни қўшиб ҳисоблаганда қайтариш муддати 30 йил бўлган 100 млн АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона имтиёзларидан, шунингдек, кўчиб ўтиш бўйича харажатларни қоплашдан иборат эквиваленти 24,12 млн АҚШ доллари миқдоридаги ҳиссаси.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилиши, шунингдек, ХТТБ қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

лойиҳани амалга оширишни умумий мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизация агентлиги томонидан амалга оширилади;

лойиҳани амалга ошириш доирасида ХТТБ қарз маблағини сўндириш, шунингдек, фоизлар, воситачилик ҳақи ва бошқа чиқимларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва тегишли вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 июлда эълон қилинган.

4. Қўйидагилар:

«Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

«Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун жалб этилган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг қарз маблағлари бўйича асосий қарзни сўндириш, фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлашнинг прогноз графиги 2-иловага* мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда «Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) 4-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин ва унинг зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:

лоийҳани самарали амалга ошириш, «Йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларни жадал ишлаб чиқиш ва объектларни тезкорлик билан ишга туширишни таъминлаш;

лоийҳа доирасидаги лойиҳаларнинг сифатли саралаб олиниши, экспертизадан ўтказилиши ва ўз вақтида амалга оширишга тайёрланишини таъминлаш, ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилиш;

ҳар бир лойиҳа ва умуман бутун лойиҳанинг амалга оширилишини мунтазам кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда, уларни самарали ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

жойларга чиққан ҳолда, лойиҳа доирасидаги ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича шахсий назоратни таъминлаш ва зарур чоралар кўриш.

6. Лойиҳани амалга ошириш даврида қўйидагилар:

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ олиб кириладиган товарлар (харид қилинадиган ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари, жиҳозлар, технологиялар ва материаллар — божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), шу жумладан улар «вақтинчалик четдан олиб келиш» божхона режимида расмийлаштирилганда — даврий божхона тўловларидан, шунингдек, автотранспорт йиғимларидан;

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари-норезидентлари — юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахслари-норезидентлари — жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги лойиҳани амалга оширишни самарали ташкил этиш учун:

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тошкент шаҳрида лойиҳани амалга ошириш бўйича бош гуруҳни, шунингдек, тажриба-синов шаҳарларида лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳудудий гуруҳларни ташкил этсин;

Жаҳон банкининг ижтимоий ва экологик ҳимоялаш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳа компонентларини амалга ошириш ва молиялаштириш жадвалида эҳтимолий ўзгаришлар юз бериши муносабати билан ишларни ташкил этишда ҳадли ёндашувни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тасдиқласин, шунингдек, келгусида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг асослантирилган таклифларига кўра унга зарур тузатишлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3857-сон қарорига мувофиқ, лойиҳани амалга оширишнинг самарали мониторингини таъминласин ва қонунчилик талабларини бузганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

лойиҳанинг тўла-тўқис ва ўз вақтида амалга оширилиши, шунингдек, лойиҳа доирасида ажратиладиган молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин;

хар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига лойиҳанинг амалга оширилиши тўғрисида ахборот киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги лойиҳани амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан ўтказилишини, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини бажариш сифати устидан лозим даражада давлат архитектура-қурилиш назорати ўрнатилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек, мазкур хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун тасдиқномалар беришни (узайтиришни) таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгиланган тартибда тегишли лойиҳа ҳужжатларининг давлат экологик экспертизасидан ўтказилишини ва лойиҳани амалга ошириш доирасида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки ўртасидаги қарз битими бўйича тегишли юридик хулоса берсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги белгиланган тартибда тегишли лойиҳа ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилишини ва лойиҳани амалга ошириш доирасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини таъминласин.

15. Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятлари, Янгийўл, Когон шаҳарлари ва Чортоқ тумани ҳокимликлари лойиҳани тўла-тўқис амалга ошириш учун барча зарур ҳужжатлар сифатли ишлаб чиқиши ва лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига ўз вақтида киритилишини белгиланган тартибда таъминласин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Фуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль,
ПҚ-4409-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**542 Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривож-
лантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техни-
калари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувват-
лашга оид чора-тадбирлар тўғрисида***

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган техникалар билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 августда эълон қилинган.

Шу билан бирга, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган техникаларда импорт қисмлари улушининг юқорилиги, аграр секторни техника билан таъминлашнинг барқарор тизими мавжуд эмаслиги, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги ҳамда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлашмаганлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш, аграр секторни ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган замонавий ва арзон қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, шунингдек, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини 2021 йилда 60 фоизга етказиш бўйича ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги уч ой муддатда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ва ушбу лойиҳаларни 2021 йил якунига қадар ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланаётган инвестиция лойиҳалари техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга, истисно тариқасида, тендер ўтказмаган ҳолда саралаш танлови асосида лойиҳа институтлари ва инжиниринг компанияларини жалб қилишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ, «Асака» АТБнинг «Металл буюмларни қуйиш замонавий цехини ишга тушириш» лойиҳасини амалга оширишга хорижий тижорат банклари кредит линияларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ:

икки ой муддатда мазкур лойиҳанинг техник иқтисодий асослари етакчи лойиҳа институтлари ва инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилишини;

лойиҳанинг 2020 йил октябрь ойига қадар фойдаланишга топширилишини;

«Асака» АТБ билан биргаликда мазкур лойиҳанинг лойиҳа ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

3. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш саноати ва бошқа саноат тармоқлари ўртасида кооперацияни амалга ошириш тавсия этилаётган маҳсулотлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига мазкур рўйхатга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ни жадаллаштириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Н.С. Отажонов):

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни;

мазкур қарор ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар 15 кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ билан биргаликда уч ой муддатда етакчи хорижий консалтинг компаниясини жалб этган ҳолда, жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин:

ишлаб чиқарилаётган мавжуд техника турларини оптималлаштириш ва янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг бюджет моделини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун янги миллий «бренд»ни яратиш;

боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишида техника турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш;

ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган экспорт улушини ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш ва тайёр маҳсулот экспортини ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан 2022 йилда 20 фоизга, 2025 йилда эса 30 фоизга етказиш;

замонавий корпоратив бошқариш усуллари, хусусан «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш, «GMS» ишлаб чиқаришни бошқариш ва «BIQ» сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

машина-трактор паркларининг мавжуд техникалари ва бўш турган ер майдонларини оптималлаштириш ҳамда уларни асосан таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш.

6. Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

2019 — 2021 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан маҳаллийлаштириш даражаси 20 фоиздан кам бўлмаган ҳолда республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинганида техника нархининг 15 фоизи миқдорида субсидия бериш;

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

комбайнларни хорижда хизмат кўрсатиш (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларининг 80 фоизини компенсация қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникалари харидларини кредитлаш ва уларни лизингга бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида миллий валютада тижорат банкларига 50 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағларни жойлаштирсин ва самарали ўзлаштириш чораларини кўрсин;

мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун 2019 йил учун 60 миллиард сўм, кейинги йилларда эса талабга мувофиқ зарур маблағларни йўналтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

2019-2020 йилларда имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан эквиваленти 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги миллий валютанинг тижорат банклари орасида уларнинг буюртманомалари асосида маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни молиялаштириш учун ажратилишини;

икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига зарур техникаларни лизинг орқали етказиб бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан паст фоизли хорижий кредит ресурсларини жалб қилган ҳолда аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда барча лизинг корхоналари учун тенг рақобат муҳити яратилиши таъминлансин.

10. «Асака» АТБ ва «Агробанк» АТБнинг маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг ва кредитга олишни молиялаштириш учун 60 миллион АҚШ доллари миқдорида халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банкларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига бириктириладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур касб-хунар коллежларида:

қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари иш берувчиларнинг буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ташкил эти-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лади. Бунда ходим аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга қабул қилинган бўлиши лозим;

кадрлар тайёрлаш касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади;

мазкур қарор билан касб-хунар коллежларига бириктирилган олий таълим муассасалари «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизим корхоналари билан биргаликда тегишли касб-хунар коллежларига методик ёрдам кўрсатилишини ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида келгуси фаолиятини давом эттириш юзасидан касбга йўналтириш ишларини тизимли равишда ташкил этади;

кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан манфаатдор иш берувчилар билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервиси йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш орқали шакллантиради.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат техника университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг соҳага оид тегишли кафедралари филиалларини «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизим корхоналарида ташкил этиш;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизим корхоналарида камида 5 йил иш стажига эга бўлган фуқароларни қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервиси йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига сиртқи ва кечки таълим шаклларида суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш;

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизим корхоналарининг раҳбарлик лавозимларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этиладиган хорижий олий таълим муассасасини тугатган ёки илмий даражага эга номзодлар орасидан танлов йўли билан лавозимга тайинлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига мувофиқ «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ тизими корхоналарида лавозимга тайинланган профессор-ўқитувчиларнинг олий таълим муассасасидаги иш жойи ва ўртача ойлик иш ҳақини 2 йил давомида сақлаб қолиш.

«Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ўзининг таркибига кирувчи корхоналарда талабалар дарс машғулотлари ҳамда амалиёт ўтказиш учун аудитория-

ларнинг ташкил этилиши ва уларнинг дарсдан бўш вақтларида ишлашига шароит яратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ билан биргаликда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида кадрлар буюртмачилари таклифлари ва илғор хорижий тажриба асосида ўқув режа ва фан дастурларини қайта кўриб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан биргаликда икки томонлама диплом бериладиган қўшма дастурлар асосида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

14. 2019 йил 1 сентябрдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан:

магистр, докторант, профессор-ўқитувчи, илмий ходим ва соҳа муҳандис техник ходимлари етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўқиш ва малака ошириш учун юборилади;

икки томонлама диплом бериладиган қўшма дастур асосида тахсил олаётган иқтидорли бакалавр талабаларнинг хорижий олий таълим муассасасидаги ўқиш тўлов контрактни тўлаб берилади.

15. Белгилансинки, «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖнинг ижро этувчи апарати тузилмаси ва бошқарув ходимларининг умумий чекланган сонига акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ўзгартириш киритилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда импорт қилинадиган ва янги ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникалари учун ўрнатилган техник талабларни республиканинг тупроқ-иқлим шароити ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

18. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ:

а) тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда:

2020 йил 1 мартга қадар ички ва ташқи бозорларда дилерлик тармоғини кенгайтириш;

махаллий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи зарур техникалар билан жиҳозланган ва кўчма хизмат кўрсатувчи бешта минтақавий сервис марказларини 2019 йил охиригача, қолган ҳудудларда 2021 йил 1 январга қадар ташкил этсин;

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари кенг жалб этган ҳолда «AgroMashExpo» қишлоқ хўжалиги техникалари халқаро кўргазма-савдосини ҳар йили икки мартаба ўтказиш амалиётини жорий этсин;

в) «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 мартга қадар эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларнинг хавфсизлик ва сифат кўрсаткичларини таъминлайдиган намунавий тажриба дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 июль,
ПҚ-4410-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

543 Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривож- лантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси- да*

Сўнгги йилларда республикада пиллачилик соҳасини ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турларини кенгайтириш, шунингдек, пиллачилик тармоғи корхоналарининг экспорт ва инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар пилла хом ашёси етиштириш ҳажмини ошириш, уни қайта ишлаш ҳисобига экспортбоп ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, республикаимизнинг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 августда эълон қилинган.

чекка ҳудудларидаги аҳоли, айниқса аёллар бандлигини таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, жаҳон бозори конъюнктурасининг тез фурсатлар билан ўзгариб бораётганлиги, истеъмолчиларнинг талаблари кучаяётганлиги, шунингдек, хорижий бозорларда ўзбек маҳсулотларига бўлган талаб ошаётганлиги пиллачилик соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чоратадбирларнинг изчил амалга оширилишини талаб қилмоқда.

Пиллачилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш, пиллани чуқур қайта ишлашда инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

пиллачилик кластерини ташкил этишда корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

пиллачилик кластерларини ташкил этадиган «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

2019 — 2025 йилларда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича прогноз параметрлари 3-иловага* мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ташкил этиш асосида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

пиллачилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича амалий чоратадбирлар режаси 5-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2022 йил 1 августга қадар пиллачилик тармоғи корхоналарига (уларнинг ваколатли вакиллариغا) 6-иловага* мувофиқ рўйхат бўйича маҳсулотларни АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Туркияга экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан пилла етиштириш бўйича тузилган шартнома асосида пилла етиштирувчи субъектларга (уларнинг розилиги билан) аванс ҳисобига кейинчалик тайёрланадиган пилла учун тўлов суммасига ўтказган ҳолда етказиб берилган тут ипак қурти уруғи ва пилла етиштириш учун зарур бошқа моддий-техника ресурслари ҳамда тут кўчатлари қиймати товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб ҳисобланмайди;

лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш, минерал ўғитлар, уруғлик, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа материал ресурсларини етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари учун

* 1 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

назарда тутилган шартлар ҳамда тартиб пиллачилик тармоғи корхоналари-га ҳам татбиқ этилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жари-маларнинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда янги тут кўчат-ларини экиш учун мақсадли йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5587-сон Фармони 1-бандида назарда тутилган имтиёзлар 2021 йил 1 январга қадар хом ипак (ТИФ ТН коди 5002) ва ипак момиғи (ТИФ ТН коди 5003) маҳсулотларига ҳам тат-биқ этилади. Бунда, имтиёзларни қўллаш натижасида бўшайдиган маблаг-лар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шу жумладан технологик ус-куналар сотиб олиш учун мақсадли тарзда йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Рес-публикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қув-ватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-4047-сон қаро-ри 5-бандида назарда тутилган компенсация тақдим этиш тартиби лойиҳа-лар қиймати ва сонидан қатъи назар пилла етиштиришни, шу жумладан пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва касаначиларга бўнак бериш-ни, улар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни ҳамда қурилиш ва реконструкция ишларини молиялаштириш мақсадлари учун ҳам татбиқ этилади ва мазкур тартибнинг амал қилиш муддати 2023 йил 1 январга қадар узайтирилади.

3. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси:

ҳудудларда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхона-лар томонидан тут кўчатларининг экилиши, ипак қурти уруғи ва пилла етиштириш, пиллани чуқур қайта ишлаш, ипак, ипак момиғи ва ипакдан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспортини амалга ошириш, инвести-цияларни жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича прогноз кўрсат-кичларининг тўлиқ бажарилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб борсин;

тут кўчатларини экиш, ипак қуртини парваришлаш иншоотларини қуриш, пилла етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашни ташкил қилиш, ипак маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни таъминлашда сусткашликка йўл қўяёт-ган «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар бўйича уларга тақдим этилган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин;

тирик пилла етиштирувчилардан етиштирилган тирик пиллани сотиб олиш (уларнинг тирик пилла етиштириш хизмати) нархини 2020 йилдан камида 20 фоизга, 2021 йилдан яна камида 10 фоизга ошириш чораларини кўрсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳоким-ликлари 2020 йил 1 январга қадар фермер ва деҳқон хўжаликларига, қишлоқ

хўжалиги ҳамда пахтачилик-тўқимачилик кластерларига ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги қарорларда ҳамда ер участкалари ижараси шартномалари (шу жумладан олдин қабул қилинган қарорлар ва тузилган шартномаларда) «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг мазкур ер участкаларидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонлари четида ва йўл бўйида жойлашган тут дарахтларидан пилла етиштириш учун озуқа сифатида фойдаланиш ҳуқуқи назарда тутилишини таъминласин.

5. Ипакчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфида Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида насли ипак қурти уруғи етиштирувчи муассасалари (кейинги ўринларда — муассасалар) ташкил этилсин.

Белгилансинки, муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш:

уларнинг хўжалик фаолиятини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда муассасаларга давлатга тегишли бўш турган биноларда ижара ҳақининг «ноль» ставкасини белгиланган ҳолда зарур майдонларни ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда:

икки ой муддатда тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жарималарнинг 50 фоизи ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳудудда янги тут кўчатларини экиш учун мақсадли йўналтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2019 йил 1 ноябрга қадар қишлоқ хўжалиги экинлари далалари четидаги ва йўл бўйидаги тут дарахтларини хатловдан ўтказиб, қатъий ҳисобини юритиш ва уларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Молия вазирлиги ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида «Тут ипак қурти экологияси ва кимёвий захарланиш профилактикаси» лабораториясини ташкил этсин.

9. 2022 йил 1 августга қадар «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ипак қурти уруғларини, истисно тариқасида, «божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштиришга рухсат берилсин ҳамда олиб чиқилиши натижасида тайёрланган пиллаларни республика ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда маҳаллий ипак маҳсулотлари экспорт қилинаётган хорижий давлатларнинг божхона тариф ставкаларини таҳлил қилиб, уларни камайтириш масалаларини ушбу давлатлар билан ўтказиладиган ҳукуматлараро комиссияларнинг (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар) кун тартиби ва якуний баённомалари лойиҳаларига киритиш;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарга хорижий давлатларда кўргазма стендларини ташкил қилиш ва халқаро кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиш бўйича харажатларини компенсация қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги «Худудгазтаъминот» АЖ, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда пиллачилик тармоғи корхоналарининг электр энергияси ва газ тармоқларига уланганлиги ҳамда узлуксиз таъминланганлиги ҳолатини ўрганиб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига пиллачилик тармоғида хунармандчилик ва касаначилик учун яратилаётган шарт-шароитларни ҳамда ислохотларни амалга ошириш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, мақолалар чоп этиш, телерадиодастурларни эфирга узатиш ҳамда Интернет тармоқларига жойлаштириш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 июль,
ПҚ-4411-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 31 июлдаги
ПҚ-4411-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2856-сон қарорининг 7-банди учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан олиб келинадиган пилла йиғириш ва ипак газлама тўқиш дастгоҳларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахти уруғи ва кўчатлари, ипак куртининг суперэлита, элита ва саноат уруғлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин;».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4047-сон қарорининг 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Пиллачилик тармоғидаги лойиҳаларнинг қиймати, сони ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг тутзорлар барпо қилиш, ипак курти уруғини сотиб олиш, пилла етиштириш, шу жумладан пилла етиштирувчи фермер хўжаликлари ва касаначиларга бўнак бериш, улар билан якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш, қурилиш ва реконструкция ишларини бажариш, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2019 — 2022 йилларда ажратиладиган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тақдим этиш тартиби ўрнатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 – 2022 йиллар давомида ҳар йили 100 млрд сўм миқдоридаги маблағларни тегишли йилнинг 1 февралига қадар мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларни тақдим этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ,
МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**544 Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган
ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқ-
лаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3174*

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирази.

Бош директор

Д. САТТАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июль,
91-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
бош директорининг 2019 йил 12 июлдаги
91-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган
ўлчов воситалари туркумларининг
РЎЙХАТИ**

T/p	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситалари- нинг қиёслашлараро ва/ёки калибрлаш- лараро муддати
Геометрик катталиклар ўлчов воситалари		
1.	Узунлик ўлчов воситалари. Чегаравий ясси узунлик ўлчовлари	12 ой
2.	Узунлик ўлчов воситалари. Штрихли узунлик ўлчовлари	12 ой
3.	Узунлик ўлчов воситалари. Ўлчов инструменти	12 ой
4.	Узунлик ўлчов воситалари. Оптик-механик асбоблар	12 ой
5.	Узунлик ўлчов воситалари. 24 дан 75000 m гача бўлган диапазонда	12 ой
6.	Космик навигация тизимларининг сигналлари бўйича координаталар фарқини ўлчов воситалари	12 ой
7.	0,025 дан 600 μm гача бўлган диапазонда Rmax, Rz, Ra ғадир-будурлик параметрларини ўлчов воситалари	12 ой
8.	Думалоқлиқдан оғишни ўлчов воситалари	12 ой
9.	Торайтирувчи қурилмалар (диафрагмалар)	12 ой
Текисликдан оғиш интерференцион ўлчов воситалари		
10.	Интерферометрлар	12 ой
11.	Ясси шиша пластиналар	12 ой
12.	Назорат брусочлари	12 ой
13.	Ясси параллел шиша пластиналар	12 ой
14.	Тўғри чизиқлиқ ва яссиликдан оғишни ўлчов воситалари	12 ой
15.	Тишли илашма параметрларини ўлчов воситалари	12 ой
16.	Резба параметрларини ўлчов воситалари	12 ой
17.	Ясси бурчакни ўлчов воситалари	12 ой
18.	Қалинлик ўлчагичлари	12 ой
19.	Қопламларнинг юза зичлигини ўлчов воситалари	12 ой
20.	Қопламлар қалинлиги, қопламлар нуқсонларини ўлчов воситалари	12 ой
21.	Майдонни ўлчов воситалари	12 ой
22.	Детал материаллари локал яхлит эмасликнинг (не-сплошность) геометрик ўлчамлари ва жойлашувини ўлчов воситалари	12 ой
23.	90 дан 1800 K гача диапазонда қаттиқ жисмларнинг чизиқли кенгайиш ҳарорат коэффициентини ўлчов воситалари	12 ой

T/p	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қиёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
24.	Ўлчов элаклари	12 ой
25.	Геодезик ўлчов воситалари	12 ой
26.	Қурилишда қўлланиладиган ўлчов воситалари	12 ой
27.	Ўлчов ускуналари ва стендлари	12 ой
28.	Синов ускуналари, стенд ва қурилмаларини геометрик параметрларини ўлчов	12 ой
29.	Тор саноат соҳасидаги ўлчов воситалари ва ускуналари	12 ой
Механик катталиклари ўлчов воситалари		
30.	Махсус (I) классдаги электрон ва механик (аналитик, прецизион ва бошқа) тарозилар	12 ой
31.	Юқори (II) классдаги электрон ва механик (аналитик, прецизион ва бошқа) тарозилар	12 ой
32.	Ўрта (III) классдаги электрон ва механик (статикада тортиш учун, товар, савдо, циферблатли, стол усти оддий, кранга оид, автомобиль ва темир йўл, ваго неткали ва бошқа) тарозилар	12 ой
33.	1, 2, 3, 4 аниқлик классдаги лабораторияга оид аналитик, техник ва бошқа тарозилар	12 ой
34.	E ₁ , аниқлик классдаги тошлар	36 ой
35.	E ₂ аниқлик классдаги тошлар	24 ой
36.	F ₁ , F ₂ , M ₁ , M ₁₋₂ , M ₂ , M ₂₋₃ ва M ₃ аниқлик классдаги тошлар	12 ой
37.	Конвейер электрон тарозилар ва конвейер механик принципдаги тарозилар	12 ой
38.	Дозалагич-тарозилар ва бункер, автомат ва ярим автомат, электрон ва механик принципдаги тарозилар	12 ой
39.	Ишчи пурка	12 ой
40.	Квадрант ва торсион тарозилар	12 ой
41.	Барча турдаги қўл тарозилари ва безменлар	12 ой
42.	Намлик анализаторининг тортиш қисми	12 ой
43.	Автомобиль ва темир йўл тарозилари (статикада масса-ни аниқлаш учун), шунингдек транспорт воситаларининг ўққа нисбатан оғирлигини аниқловчи тарозилар	12 ой
44.	Автомобиль ва темир йўл тарозилари (ҳаракатда масса-ни аниқлаш учун) шунингдек транспорт воситаларининг ўққа нисбатан оғирлигини аниқловчи тарозилар	12 ой
45.	I (Ia) ва II разрядли намунавий тарозилар	12 ой
46.	Барча турдаги масса компараторлари	12 ой
47.	III ва IV разрядли тарозилар	12 ой
48.	1 разрядли намунавий пурка	12 ой
49.	2 разрядли намунавий пурка	12 ой
50.	Масса ўВ ўзгартиргичлари сифатида қўлланиладиган тензорезистор датчиклари (тензодатчик)	12 ой
51.	Махсус юklar	12 ой
52.	Куч ўлчов воситалари	12 ой
53.	Тор саноат соҳасидаги ўлчов воситалари ва ускуналари	12 ой

Т/р	Ўлчов воситалари турқумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қиёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро мўддаги
54.	Синов ускуналари, стенд ва қурилмалари	12 ой
55.	Кучнинг айлантирувчи (крутящий) моментини ўлчов воситалари	12 ой
56.	Деформацияни ўлчов воситалари	12 ой
57.	0,001 дан 200 m/s^2 гача диапазонда қаттиқ жисмнинг доимий чизиқли тезланишини ўлчов воситалари	12 ой
58.	$5 \cdot 10^{-8}$ дан $2,5 \cdot 10^{-4}$ rad/s гача диапазонда бурчакли тезликни ўлчов воситалари	12 ой
59.	1 дан 100 rad/s^2 гача диапазонда доимий бурчакли тезланишини ўлчов воситалари	12 ой
60.	0,5 дан 30 Hz гача диапазонда тезланишни ўлчов воситалари	12 ой
61.	Тахометрлар, спидометрлар, таксометрлар, тахографлар	12 ой
62.	Автотранспорт воситалари ҳаракати тезлигини ўлчагичлар	12 ой
63.	Қаттиқлик ўлчов воситалари	12 ой
64.	Автосервис тизимининг ўлчов воситалари	12 ой
65.	Граммометр	12 ой
66.	Бетон қаттиқлиги ўлчагичлари	12 ой
67.	Зарбни ўлчов асбоби	12 ой
68.	Пенетрометр	12 ой
69.	Арматура чўзилишини аниқлаш учун асбоб	12 ой
70.	Тросларнинг тортилишдаги таранглигини ўлчагич	12 ой
71.	Мотовило	12 ой
72.	Ипнинг буралиш ва чўзилишини ўлчагичи (круткомер)	12 ой
Модда оқими, сарфи, сатҳи, ҳажми параметрларини ўлчов воситалари		
73.	Ўзгарувчан босим тушиши сарф ўлчагичи	12 ой
74.	Саноатда қўллаш учун суюқлик ва газлар ҳажмий ва массавий сарфининг ҳисоблагичлари, сарф ўлчагичлари, ўзгартиргичлари	24 ой
75.	Ультратовушли саноатда қўллаш учун газлар ҳажмий ва массавий сарф ўлчагичлари	48 ой
76.	Маиший қўлланиш учун суюқлик ва газлар ҳажмий сарфининг ҳисоблагичлари, сарф ўлчагичлари, иссиқлик энергияси ҳажми ва миқдори ҳисоблагичлари, ўзгартиргичлари	48 ой
77.	Ротаметрлар	12 ой
78.	Барча турдаги суюқлик ва газлар учун сарф ўлчов, қиёслаш ускуналари	24 ой
79.	Стандарт торайтирувчи қурилмалар ёрдамида суюқлик ва газларни ҳисобга олиш узеллари	48 ой
80.	Нефть ва нефть маҳсулотларини ўлчов учун автоматлаштирилган тизимлар ва қурилмалар	12 ой
81.	Сиқилган газ тарқатиш ўлчов колонкалари	12 ой
82.	Суюқликлар, газ ва иссиқлик энергияси ҳажми ва миқдори ҳисоблагичлари, корректорлар, контроллерлар	24 ой

T/p	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қиёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
83.	Ёқилғи ва мой тарқатиш колонкалари	6 ой
84.	Суюлтирилган газ тарқатиш колонкалари	6 ой
85.	Суюқ нефть маҳсулотлари учун ҳисоблагичлар, сарф ўлчагичлар	12 ой
86.	2000 ml гача кичик сифимдаги суюқлик ўлчагичлари*	12 ой
87.	2000 ml дан юқори сифимдаги суюқлик ўлчагичлари	12 ой
88.	Критик микросоплалар	24 ой
89.	Горизонтал ва вертикал цилиндрик резервуарлар	60 ой
90.	Автомобиль цистерналари	12 ой
91.	Темир йўл цистерналари	60 ой
92.	Топ саноат соҳадаги ўлчов воситалари ва ускуналари	12 ой
93.	10^{-6} дан 10^{-2} m ³ /s гача диапазонда ҳажмий газ сарфини ўлчов воситалари	24 ой
94.	$4 \cdot 10^{-2}$ дан $2,5 \cdot 10^2$ kg/s гача диапазонда массавий газ сарфини ўлчов воситалари	24 ой
95.	Сув оқимининг тезлигини ўлчов воситалари	12 ой
96.	Ҳаво оқимининг тезлигини ўлчов воситалари	12 ой
97.	Сатҳни ўлчов воситалари	12 ой
Босим ўлчов, вакуумли ўлчов воситалари		
98.	Кўрсатувчи ва ўзи ёзадиган манометрлар, вакуумметрлар, мановакуумметрлар, босим ўлчагичлар, напорометрлар, тягомерлар ва тягонапорометрлар	12 ой
99.	Барча турдаги сфигмоманометрлар	12 ой
100.	Босим ўлчов ўзгартиргичлари (датчиклар)	12 ой
101.	Юк поршенли манометрлар, юк поршенли вакуумметрлар, юк поршенли мановакуумметрлар	24 ой
102.	Барча турдаги босим калибраторлари	12 ой
103.	$2,7 \cdot 10^2$ дан $4000 \cdot 10^2$ Pa гача диапазонда мутлақ босим ўлчов воситалари	12 ой
104.	Мутлақ босим юк поршенли манометрлари	24 ой
105.	10 kHz частоталарда 1 дан 250 MPa гача диапазонда даврий босим ўлчов воситалари	12 ой
106.	Импульсли босим ўлчов воситалари	12 ой
107.	Барча турдаги барометрлар	12 ой
108.	Намунавий манометрлар, вакуумметрлар, мановакуумметрлар	12 ой
Моддаларнинг физик-кимёвий таркиби ва хоссатарини ўлчов воситалари		
109.	Суюқлик қовушқоқлигини ўлчов воситалари	12 ой
110.	Капилляр вискозиметрлар	12 ой
111.	Намунавий капилляр вискозиметрлар	60 ой
112.	Зичлик ўлчов воситалари (ареометрлар, пикнометрлар, нефтеденсиметрлар, денсиметрлар ва спирт ўлчагичлар)	12 ой
113.	Намунавий ареометрлар, пикнометрлар, нефтеденсиметрлар, денсиметрлар, спирт ўлчагичлар, сут ўлчагичлар ва шакар ўлчагичлар	60 ой

Т/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қийёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
114.	Дон, дон маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик хом ашёсининг намлигини ўлчов воситалари (2-разрядли дон намлиги СО-имитаторларни аттестациялаш учун ускуна, юқори аниқликдаги лаборатория намлик ўлчагичлари)	12 ой
115.	Масс-спектрометрлар, хроматографлар	12 ой
116.	Газ намлигини ўлчов воситалари	12 ой
117.	Барча турдаги намунавий гигрометрлар (намликни аниқлаш учун)	24 ой
118.	Қаттиқ ва сочилувчан материал ва моддалар намлигини ўлчов воситалари	12 ой
119.	Барча турдаги газоанализаторлар	12 ой
120.	Барча турдаги портлаш хавфи бўлган концентрация сигнализаторлари	12 ой
121.	Тутун ўлчагичлар	12 ой
122.	Газоаналитик ускуналар	12 ой
123.	Ҳайдовчи нафасида спирт бўғлари концентрациясини ўлчов воситалари, барча турдаги алко тестерлар	12 ой
124.	Транспорт воситалари чиқиндилари анализаторларининг каналлари	12 ой
125.	Нефть ва нефть маҳсулотлари таркиби, хоссалари ва сифат кўрсаткичлари анализаторлари	12 ой
126.	Таркибида сув бўлмаган суюқликларнинг намлигини ўлчов воситалари	12 ой
127.	Нефть ва нефть маҳсулотларининг чақнаш ҳарорати, паст ҳароратли хоссалари, анилин нуқтаси анализаторлари	12 ой
128.	рН-метрлар ва ион ўлчагичлар	12 ой
129.	Электродли тизим имитаторлари	12 ой
130.	Кондуктометрлар, туз ўлчагичлар	12 ой
131.	Полярографлар	12 ой
132.	Титраторлар	12 ой
133.	Чанг ўлчагичлар, электроаспираторлар	12 ой
134.	Нитрат ўлчагичлар	12 ой
135.	Мойдорлик ЯМР-анализаторлари	12 ой
136.	Суюқлик ва қаттиқ моддаларнинг ҳар хил анализаторлари	12 ой
Иссиқлик физик ва ҳарорат ўлчов воситалари		
137.	Контактли ҳарорат ўлчов воситалари	12 ой
138.	Нурланиш пирометрлари ва ҳарорат лампалари	12 ой
139.	Ёруғлик ҳарорат лампалари, ёруғлик ҳарорат ўлчовлари	12 ой
140.	Рангли ҳарорат лампалари	12 ой
141.	Иссиқлик миқдорини ўлчов воситалари	12 ой
142.	Қаттиқ жисмларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини ўлчов воситалари	12 ой
143.	Қаттиқ жисмларнинг солиштира иссиқлик сифимини ўлчов воситалари	12 ой

T/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қиёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
144.	Барча турдаги термометрлар	12 ой
145.	Пирометрлар	12 ой
146.	Ҳарорат ўзгартиргичлари, қаршилик термоўзгартиргичлари	12 ой
147.	Милливолтметрлар ва автоматик потенциометрлар	12 ой
148.	Логометрлар, ҳарорат ростлагичлари	12 ой
149.	Ҳарорат датчиклари	12 ой
150.	Иссиқлик ҳисоблагичлари	12 ой
151.	Шишали намунавий термометрлар	12 ой
152.	Барча турдаги термостатлар, қуригиш шкафлари, муфел печларни аттестациялаш	12 ой
153.	Ҳарорат ўлчов бўйича ускуналар	24 ой
154.	Колориметрик ускуналар	12 ой
155.	Барча турдаги иқлимий камералар, иссиқлик ва совуқ камераларини аттестациялаш	24 ой
156.	Барча турдаги буғлаш камераси, қаттиқлашиш камее-расини аттестациялаш	24 ой
157.	Барча турдаги ҳарорат калибраторлари	24 ой
158.	«Қора жисм» кўринишидаги ҳарорат тарқатувчилари	24 ой
159.	Психрометрик гигрометрлар	12 ой
160.	Нам ҳаво генератори	36 ой
161.	Инфракизил пирометрлар ва термометрлар	12 ой
162.	Барча турдаги рақамли ва электрон термометрлар	12 ой
163.	Барча турдаги электрон ва рақамли термогигрометрлар	12 ой
164.	Барча турдаги тепловизорлар	12 ой
165.	Барча турдаги электр кўприклар	12 ой
166.	Ишчи эталон термо-жувликлар ва қаршилик термометрлари	12 ой
167.	Юқори аниқликдаги рақамли термометр	12 ой
168.	Ҳарорат лампалари	60 ой
169.	Платинородий-платинали намунавий термоэлектр термоўзгартиргичлар (ППО)	12 ой
Вақт ва частота ўлчов воситалари		
170.	Вақт ва частота ўлчов воситалари (қум соатлардан ташқари)*	12 ой
171.	Уланиш давомийлигини ўлчов тизимлари ва воситалари	24 ой
172.	Маълумотлар узатиш тезлиги ва ҳажмини ўлчов тизимлари ва воситалари	24 ой
173.	Частотали тезлик параметрларини ўлчов воситалари ва ускуналари	12 ой
Электр ва магнит катталикларини ўлчов воситалари		
174.	Барча турдаги ўзгарувчан ва ўзгармас ток кучини ўлчов воситалари	12 ой
175.	Барча турдаги электр юритувчи кучни ўлчов воситалари	12 ой

Т/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қийёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
176.	Барча турдаги ўзгармас ва ўзгарувчан кучланишни ўлчов воситалари	12 ой
177.	Барча турдаги электр қувват ва қувват коэффициентини ўлчов воситалари	12 ой
178.	Кучланиш ўлчов трансформаторлари	48 ой
179.	Ток ўлчов трансформаторлари	48 ой
180.	Намунавий ўлчов трансформаторлари	12 ой
181.	Фаза силжишини ўлчов воситалари	12 ой
182.	Фазалар силжиш бурчагини ўлчов воситалари	12 ой
183.	Ўлчов назоратгичлари	24 ой
184.	Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизими (ГЖ АБТ) ўлчов каналлари	24 ой
Ўзгармас ва ўзгарувчан тоқлар электр энергиясини ўлчов воситалари		
185.	Барча турдаги ўзгармас ток электр энергияси ҳисоблагичлари	48 ой
186.	Барча турдаги бир фазали электр энергияси ҳисоблагичлари	48 ой
187.	Барча турдаги уч фазали электр энергияси ҳисоблагичлари	48 ой
188.	Электр энергиясини тижоратга оид ҳисобга олиш тизимлари	48 ой
189.	Намунавий электр энергияси ҳисоблагичлари	12 ой
190.	Барча турдаги қийёслаш ускуналари	12 ой
191.	Барча турдаги синов ускуналари	12 ой
192.	Барча турдаги синусоидал токнинг масштаб ўзгариш коэффициенти ва бурчагини ўлчов воситалари	48 ой
193.	Икки электр кучланиш орасидаги фазалар бурчагининг силжишини ўлчов воситалари	12 ой
194.	Электр йўқотишлар бурчагининг тангенсини ўлчов воситалари	12 ой
195.	Барча турдаги электр қаршиликни ўлчов воситалари	12 ой
196.	Барча турдаги электр қаршилик ўлчовлари, катушкалар	12 ой
197.	Барча турдаги индуктивликни ўлчов воситалари	12 ой
198.	Барча турдаги электр сифимни ўлчов воситалари	12 ой
199.	Таъминот манбалари, стабилизаторлар	12 ой
200.	Барча турдаги электр сигнал ўзгартиргичлари	12 ой
201.	Барча турдаги электр сигнал регистраторлари	12 ой
202.	Барча турдаги калибрланган электр сигнал манбалари (калибраторлар ва компараторлар)	12 ой
203.	Барча турдаги электр намлик ўлчагичлар	12 ой
204.	Барча турдаги лабораторияга оид калибрлаш шунтлари	12 ой
205.	Барча турдаги нормал тўйинган элементлар	12 ой
206.	Барча турдаги ўлчов имитаторлари	12 ой
207.	Барча турдаги мултиметр ва тестерлар	12 ой

T/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қиёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
Радиотехник ва радиоэлектрон ўлчов воситалари		
208.	Импульсли генераторлар	12 ой
209.	Осциллографлар	12 ой
210.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали ўлчов генераторлари	12 ой
211.	Товушли генераторлар	12 ой
212.	Махсус сигнал генераторлари ва ускуналар	12 ой
213.	Волтметр қиёслаш ускуналари	12 ой
214.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали ваттметрлар ва кувват ўлчагичлари	12 ой
215.	Трасса ва кабел кидирув ускуналари (локаторлар)	12 ой
216.	Кабель рефлектометрлар	12 ой
217.	Кабель ва антенна параметрларини ўлчов воситалари	12 ой
218.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали аттенуаторлар ва уларни қиёслаш ускуналари	12 ой
219.	Сигнал сўниш ускуналари ва ўлчов воситалари	12 ой
220.	Юқори ва ўта юқори частотали чизиқли ўлчов воситалари	12 ой
221.	Частота ва кучланиш ўзгартиргичлари	12 ой
222.	Сигнал формалари ва параметрларини ўлчов воситалари	12 ой
223.	Симли алоқа тизимларида фойдаланиладиган ўлчов воситалари ва тизимлари	12 ой
224.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали селектив волтметрлар ҳамда уларни қиёслаш ускуналари	12 ой
225.	Импульс ҳисоблагичлари	12 ой
226.	Тахограф программаторлари	12 ой
227.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали тебранишларнинг амплитуда модуляцияси коэффициентларини ўлчов воситалари	12 ой
228.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали нозизиқли бузилишлар коэффициентини ўлчов воситалари	12 ой
229.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали девиация ўлчов воситалари	12 ой
230.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали электр кучланишни ўлчов воситалари	12 ой
231.	Амплитуда ва частота тавсифини ўлчов воситалари	12 ой
232.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали магнит майдон кучланишини ўлчов воситалари	12 ой
233.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали электр майдонининг кучланганлигини ўлчов воситалари	12 ой
234.	Коаксиал тўлқин узаткидаги четки элементларининг тўлиқ қаршилигини ўлчов воситалари	12 ой
235.	Бикомплекс ўтказувчанлик ва қайтариш коэффициентининг модулини ўлчов воситалари	12 ой
236.	Қаттиқ ва суяқ диэлектрикларнинг нисбий диэлектрик ўтказувчанлигини ўлчов воситалари	12 ой

Т/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қийёслашлараро ва ёки калибрлашлараро муддати
237.	Коаксиал ва тўлқин узатиш трактларида ўзгарувчан ток қувватини ўлчов воситалари	12 ой
238.	Тўлқин узатиш трактларида электромагнит тебранишлар қувватини ўлчов воситалари	12 ой
239.	Плезіохрон ва синхрон алоқа тизимлари ўлчов воситалари	12 ой
240.	Электр магнит майдонини қувват зичлигини ўлчов воситалари	12 ой
241.	Шовқинли радионурланиш қувватининг спектрал зичлигини ўлчов воситалари	12 ой
242.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали спектр анализаторлари	12 ой
243.	Оптик толали алоқа тизимларида қўлланиладиган ўлчов воситалари ва ускуналари	12 ой
244.	Паст, юқори ва ўта юқори частотали махсус қабул қилувчи, узатувчи ўлчов антенналари	12 ой
Виброакустик ўлчов воситалари		
245.	Ҳаво муҳитида товушли босимни ўлчов воситалари	12 ой
246.	Сувли муҳитда товушли босимни ўлчов воситалари	12 ой
247.	Товуш даражасини иммессион тўғри бирлаштирилган пьезоэлектрик ўзгартиргичларнинг икки қарра ўзгариш коэффициентини ва акустик майдон йўналганлик диаграммасининг кенглигини ўлчов воситалари	12 ой
248.	Қаттиқ муҳитларда бўйлама ультратовушли тебранишларнинг сўниш коэффициентини ўлчов воситалари	12 ой
249.	Қаттиқ муҳитларда бўйлама ультратовушли тўлқинлар тарқалиш тезлигини ўлчов воситалари	12 ой
250.	Сейсмосилжишлар, сейсмотезлик ва сейсмотезланишни ўлчов воситалари	12 ой
251.	Вибросилжишларни ўлчов воситалари	12 ой
252.	Зарбали ҳаракатда тезланишни ўлчов воситалари	12 ой
253.	Қаттиқ муҳитларда бўйлама товуш даражаси тебранишларнинг сўниш коэффициентини ўлчов воситалари	12 ой
254.	Вибротезлик ва силжиш ўрама токли ўлчов воситалари (датчиклари)	12 ой
255.	Вал ва ўқ силжиш ўрама токли ўлчов воситалари	12 ой
256.	Акустика иммессион дефект ўлчов воситалар тизими	12 ой
257.	Ультратовушли қалинлик ўлчов воситалари, дефектоскоплар ва ускуналар	12 ой
Оптик ва оптика-физикавий ўлчов воситалари		
258.	Узлуксиз ва импульсли нурланиш ёруғлик катталикларини ўлчов воситалари	12 ой
259.	Ранг координаталари ва рангдорлик координаталарини ўлчов воситалари	12 ой

Т/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қиёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
260.	0,2 дан 50 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида йўналган ўтказишнинг, 0,2 дан 20 μm гача диапазонда диффузия ва тескари тасвирларнинг спектрал, интеграл ва редукция коэффициентларини ўлчов воситалари	12 ой
261.	Материалларнинг оптик зичлиги, ёруғлик, ўтказиш (оқ рангда) ва синиш коэффициентларини ўлчов воситалари	12 ой
262.	Спектроскопия учун 0,186 дан 50 μm гача тўлқин узунликларини ўлчов воситалари	12 ой
263.	Спектрофотометрлар, фотометрлар, спектрометрлар, фотоколориметрлар	12 ой
264.	Қаттиқ ва суюқ шаффоф моддаларнинг синиш кўрсаткичини ўлчов воситалари	12 ой
265.	Қутбланиш текислигининг айланиш бурчаги, чизиқли икки нур синишида фазалар фарқини, чизиқли ва айлана дихроик ютилиш коэффициентларини ўлчов воситалари	12 ой
266.	0,2 дан 25 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида яхлит спектр узлуксиз оптик нурланишининг нурланиш кучи ва энергетик ёритилганлигини ўлчов воситалари	12 ой
267.	0,25 дан 25 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида СПЕЯ, СПСИ, СПЭО ўлчов воситалари	12 ой
268.	0,01 дан 0,25 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида оптик нурланиш СПЕЯ ўлчов воситалари	12 ой
269.	0,3 дан 10 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида қуёш нурланиши билан энергетик ёритилганлигини ўлчов воситалари	12 ой
270.	0,4 дан 10,6 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида импульсли лазер нурланиш қабул қилгичларнинг қуввати ва динамик параметрларини ўлчов воситалари	12 ой
271.	0,4 дан 1,4 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида 10^{-6} дан 10^{-2} W гача нурланиш оқимини ўлчов воситалари	12 ой
272.	0,3 дан 12 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида лазер нурланишининг ўртача қувватини ўлчов воситалари	12 ой
273.	0,3 дан 12 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида импульсли лазер нурланиш энергиясини ўлчов воситалари	12 ой
274.	0,5 дан 1,6 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида импульсли оптик нурланиш оқимини ўлчов воситалари	12 ой
275.	Толали-оптик узатиш тизимларининг компонентларидаги оптик олиб қириладиган йўқотишларни ўлчов воситалари	12 ой
276.	Оптик тола сонли апертурасини ўлчов воситалари	12 ой
277.	Ёруғлик ўтказгичнинг ўтиш тавсифи ва ўтказиш полосасининг ўсиб бориш вақтини ўлчов воситалари	12 ой
278.	Кўп моддали оптик тола синиш кўрсаткичининг профилини ўлчов воситалари	12 ой

Т/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қийёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
279.	Рефрактометрлар, рефрактометрик пластиналар (призмалар)	12 ой
280.	Ёруғлик ўтказгичда узилиш жойигача масофани ўлчов воситалари	12 ой
281.	Сенситометрияда ёритилганлик, нур тушириш (экспонирование) вақтининг самаралилиги ва рангта оид ҳароратни ўлчов воситалари	12 ой
282.	0,2 дан 1,4 μm гача тўлқин узунлиги диапазонида спектросенсито-метрияда энергетик ёритилганликни ўлчов воситалари	12 ой
283.	Фотоматериалларнинг рухсат берувчи ёки ҳал қилувчи (разрешающей) қобилятини ўлчов воситалари	12 ой
284.	Электрон-оптик ўзгартиргичлар асосидаги фотохронографик аппаратура	12 ой
285.	Қутблик ўлчагичлар, қанд ўлчагичлар, полярископлар	12 ой
286.	Ялтироқ ўлчагичлар (блескомер), оқлик ўлчагичлар	12 ой
287.	Ёруғлик ўтказиш асбоблари	12 ой
288.	Ранг ўлчагичлар, ранг компараторлари, денситометрлар	12 ой
289.	Люксметрлар	12 ой
290.	Рефрактометрик пластиналар (призмалар)	12 ой
291.	Намунавий светофилтрлар (барча турдаги)	12 ой
292.	Намунавий поляриметрик пластиналар (ППО-1 ва ТК)	12 ой
293.	Ранг ва рангдорлик координаталар бирлиги ҳамда акс эттириш спектрал коэффицент ўлчовлари	12 ой
Ядровий константаларнинг ионловчи нурланиш тавсифларини ўлчов воситалари		
294.	Экспозицион доза, экспозицион дозанинг қуввати ҳамда рентген ва гамма-нурланиш энергиясининг оқимини ўлчов воситалари	12 ой
295.	Рентген нурли назорат ускуналари	12 ой
296.	Бета нурланиш ютилган дозасини ва нурланиш ютилган дозасининг қувватини ўлчов воситалари	12 ой
297.	Фотонли ионловчи нурланиш ютилган дозасининг қувватини ўлчов воситалари	12 ой
298.	0,8 дан 8 pJ гача (5 дан 50 MeV гача) максимал фотонлар энергияси билан тормозли нурланиш энергиясининг оқимини ўлчов воситалари	12 ой
299.	0,8 дан 8 pJ гача (5 дан 50 MeV гача) энергия билан электронлар оқимини ва электронлар энергиясининг оқимини ўлчов воситалари	12 ой
300.	3 дан 9 fJ гача (20 дан 60 keV гача) максимал фотонлар энергияси билан рентген нурланишининг ютилган дозасини ўлчов воситалари	12 ой
301.	Нейтрон нурланишининг ютилган ва эквивалент дозаси қувватини ўлчов воситалари	12 ой

Т/р	Ўлчов воситалари туркумларининг номи	Ўлчов воситаларининг қийёслашлараро ва/ёки калибрлашлараро муддати
302.	Экспозицион доза, экспозицион дозанинг ўртача қуввати, импульсли рентген нурланиши энергиясининг ўртача оқими ва оқимининг ўртача зичлигини ўлчов воситалари	12 ой
303.	Радионуклидларнинг фаоллиги ва солишпирма фаоллигини ўлчов воситалари	12 ой
304.	Альфа-актив газларда нуклидлар фаоллигини ўлчов воситалари	12 ой
305.	Бета-актив газларда нуклидлар фаоллигини ўлчов воситалари	12 ой
306.	Радиоактив аэрозол ҳажмий фаоллигини ўлчов воситалари	12 ой
307.	Юзанинг радиоактив моддалар билан ифлосланганлигини ўлчов воситалари	12 ой
308.	Радий массасини ўлчов воситалари	12 ой
309.	Нейтронлар оқими ва оқимининг зичлигини ўлчов воситалари	12 ой
310.	Радияцион назорат тизимларининг ўлчов каналлари	12 ой
311.	Ионловчи нурланиш параметрларини ўлчов учун функционал узеллар, блоклар ва қурилмалар	12 ой
312.	Гамма, бета ва альфа спектрометрлар	12 ой
313.	Гамма, бета ва альфа детекторлар, ҳисоблагичлар	12 ой
Ўлчов тизимларининг элементлари		
314.	Унификацияланган сигналларнинг элементларини ўлчов тизими	12 ой
315.	Маълумотлар миқдори, узатиш тезлигини ўлчов тизими	24 ой

Изоҳ: мазкур Рўйхатда келтирилган ўлчов воситаларининг метрология текшируви аризачининг мурожаатига асосан калибрлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

** Бирламчи қийёслашдан ўтказилган шишали кичик сизимдаги суюқлик ўлчагичлари ҳамда қум соатлар метрология текширувидан аризачининг мурожаатига асосан ихтиёрий равишда ўтказилади.*

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 12 июль

Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
бош директорининг 2019 йил 12 июлдаги
91-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2016 йил 27 апрелдаги 232-сон «Текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2782, 2016 йил 4 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 18-сон, 208-модда).

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 16 августдаги 469-сон «Текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2782-1, 2017 йил 22 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 34-сон, 907-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

545 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-16*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдор-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

ларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон «Ўзбекистон Республикасининг Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзгартиришларнинг 2-банди 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 июль,
15/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
13 июлдаги 15/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 42-банддаги «ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлимлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 90-банднинг биринчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**546 «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 532-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бўйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 14 октябрдаги 79-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2837, 2016 йил 8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 45-сон, 526-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июль,
85-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 22 июлдаги
85-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан
молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича
тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши
тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари
тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг йигирма бешинчи хатбошисидаги «Давлат ветеринария қўмитасига» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 24-илованинг номидаги «Давлат ветеринария бош бошқармасига» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**547 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1870-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 26 июлдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4023-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1870, 2008 йил 18 ноябрь) Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 24 июлдаги РГ-1-7/6-3427-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 22 сентябрдаги 59 ва 97-сон «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1870, 2008 йил 18 ноябрь) ҳамда 2011 йил 17 ноябрдаги 13, 70-сон «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1870-1, 2011 йил 21 декабрь) Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль,
309-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**548 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1681-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 26 июлдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ–3386-сон «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъ-молчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизоми-ни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайитириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш-га доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. «Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасида ўтказиладиган биржа савдоларида пахта момигини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1681, 2007 йил 19 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 24 июлдаги РГ-1-7/6-3427-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 9, 106, 01/УзРТСБ-18/02-сон «Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасида ўтказиладиган биржа савдоларида пахта момигини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1681, 2007 йил 19 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбеки-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 июлда эълон қилинган.

кистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 июль,
310-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 27 июлдан 2 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 12 июлдаги 91-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3174.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/12-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.

2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-16.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 22 июлдаги 85-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари-ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2837-3.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги 309-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1870-2.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги 310-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1681-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси биржа савдоларида пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1870, 2008 йил 18 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1870-1, 2011 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги 309-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасида ўтказиладиган биржа савдоларида пахта момиғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1681, 2007 йил 19 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги 310-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

